Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 24 июль 1973 йил, сешанба ✦ № 172 (15.646). ✦ Баҳоси 2 тийин.

Сирдарё областининг деҳқонлари бу йил «оқ олтин»дан юксак хирмон кўтаришга аҳд қилиб, шу кунларда гўзаларни парвариш қилишни юқори агротехника асосида олиб бормоқда лар. Областнинг Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли 10-А совхозининг пахтакорлари ҳам бу йил камида 30 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Гўзаларни культивация қилиш, суғориш ишла ри ўз вақтида олиб борилаётир. Суратда: шу совхознинг илғор бўлим бошлиқларидан Абулқосим Собиров. У майдонлардаги гўзаларнинг ривожини кузатмоқда.

А. Тўраев фотоси.

Ш. Р. РАШИДОВнинг Бағдод телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

БАҒДОД. 19 июль. (ТАСС). КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов Бағдод телевидениеси орқали нутқ сўзлади. У ўз нутқида бундай деди:

Ироқлик азиз дўстлар!

Сизларни Араб социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигининг таклифига биноан мамлакатингизга келган КПСС делегацияси аъзолари номидан табриклашга ижозат бергайсиз. КПСС делегацияси сизларга — ишчилар, деҳқонлар меҳнаткаш зиёлиларга, ироқлик барча ватанпарварларга ҳамда империализм ва реакцияга қарши кураш олиб бораётган кишиларга сизлар шу кунларда нишонлаётган катта байрам муносабати билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг, совет коммунистларининг ва бутун совет халқининг самимий қутловларини топширади.

Мен КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг топширигини алоҳида мамнуният билан бажо этиб шахсан унинг дўст Ироқ халқига, Ироқнинг барча тараққийпарвар демократик кучларига муваффақият тилаб йўллаган табрик ва қутловларини топшираман.

КПСС делегациясининг Ироққа таклиф этилишини биз ленинчи Коммунистик партиямиз билан совет халқига нисбатан Ироқ раҳбарлари ва халқи дўстлигининг ифодаси деб биламиз. Биз қуёш нурига ва дўст диллар ҳарорати остида бой ғўзал мамлакатингизга келиш имконияти берилганлиги учун Араб социалистик Уйғониш партияси раҳбарлигига, унинг Бош секретари, президент Аҳмад Ҳасан ал-Бакрга чин қўнгилдан миннатдорчилик билдирамиз. Ҳамма жойда бизга кўрсатилаётган ўртоқларча иззат-икром ва меҳмондўстлик учун миннатдормиз.

1958 йилнинг 14 июли ва 1968 йилнинг 17 июли — Ироқ халқининг миллий ва социал озодлик учун олиб борган кураши йўлидаги бирбири билан боғлиқ бўлган муҳим саналардир. Ироқ халқи реакцион, империалистларга ён босувчи монархиядан, турли миллатлар ва демократик кучларнинг тарқоқлигидан, Бағдод пакти кишиларидан, республика тузумига, 1970 йил 11 март шартномасига, прогрессив миллий фронтга эришди: феодализм ва компрадор буржуазиянинг ҳукмронлигидан қишлоқ хўжалигида аграр ислоҳотга ва коллективчилик негизларини жорий этишга, давлат секторини барпо этишга ўтди; ажнабий нефть монополиялари зулмидан — «Ироқ петролеум компани» компаниясини давлат ихтиёрига олишга ва миллий нефть саноатини барпо этишга эришди. Бу ғалаба «Ироқ нефти — ироқ халқига!» деган шиорни юзага чиқаришда катта қадам қўйилганлигини билдиради. Совет кишилари сизларнинг муваффақиятларингиздан астойдил қувонадилар. Бундай бўлиши қонуниятли ва табиий бир ҳолдир, чунки Совет Иттифоқи билан Ироқ республикасининг халқлари ўртасида империализмга ва реакцияга қарши, озодлик ва социал тараққиёт учун курашда туб манфаатлар умумийдир. Империализм ва реакция позицияларини тугатиш, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш, Ироқнинг замонавий экономикасига пойдевор қўйиш, империализмга қарши бўлган демократик кучларни жипслаштириш ва уларнинг ҳамкорлиги — ана шуларнинг ҳаммаси ироқ халқининг ҳам, совет халқининг ҳам, барча антиимпериалистик демократик кучларнинг ҳам манфаатларига мос бўлиб келди ва ҳозир ҳам мос бўлиб турибди. Эндиликда 1972 йилги дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Совет—Ироқ шартномасининг моддаларида ўз ифодасини топган олижаноб принциплар ва ғоялар шу асосда чиниқиб, юзага чиқди.

Бу шартнома имзоланган кундан бери орада бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Шу шартнома ўз аҳамиятини ва ҳаётий кучини яққол исботлаганлигини биз ҳозирнинг ўзиндаёқ айта оламиз. Совет—Ироқ шартномаси — халқаро миқёсдаги воқеа бўлиб, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг равнақи йўлидаги курашда Ироқнинг тараққийпарвар миллий кучлари позицияларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Ироқлик азиз дўстлар!

1972 йил декабрида совет халқи ўз кўп миллатли давлатининг 50 тин юбилейини — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг 50 йиллигини нишонлади. Ана шу катта байрамга келган меҳмонлар орасида биз дўст Ироқ республикасидан келган меҳмонларни ҳам мамнуният билан табриклаб кутиб олдик. Бу байрам инсоният тарихида кўрилган барча жамиятлар орасида энг адолатли жамият бўлган социализм ютуқларининг чинакам кўриги бўлди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев СССР 50 йиллигига бағишланган ўз докладида партиямиз билан халқимизнинг жасоратига қойил қолдирувчи баъзи бир мисолларни айтиб берди.

Мамлакатимизда саноат маҳсулотининг умумий ҳажми 50 йил давомида 320 баравар ўсди. Ҳозир совет саноати бир ой ичида бутун 1940 йилдагидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

СССР аҳолисининг реал даромадлари 1940 йилдан кейин тўрт баравардан зиёд кўпайди.

Бу рақамлар замирида катта маъно бор. Маълумки, капиталистик давлатларнинг ривожи кўп жиҳатдан бошқа мамлакатларнинг — Араб мамлакатлари, Африка, Латин Америкаси мамлакатларининг ресурсларини эксплуатация қилиш ҳисобига таъминланмоқда. Совет Иттифоқининг ютуқлари мутлақо бутунлай бошқа йўллар билан таъминланмоқда. Бизнинг халқимиз ҳамма бойликларни ўз қўллари билан, ўз меҳнати билан барпо этмоқда.

Мен социализмнинг улуғвор ғалабасини — бутун мамлакатимизда миллий масала тўла-тўкис ва узил-кесил ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Барча совет халқлари рус халқи тевагасида қардошларча дўстликнинг бузилмас алоқалари билан бирлашган ягона оилага жипслашдилар. Улар орасида Коммунистик партияга, социалистик Ватанга чексиз садоқатли менинг жонажон Ўзбекистон республикамнинг ҳам халқи бор. Совет ҳокимияти йилларида одамларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи қарор топди ва барқ уриб юксалмоқда, ривожланган социалистик жамият вужудга келтирилмоқда.

Ўтган йилларда эришилган ютуқлар нақадар улуғвор бўлмасин, бундан икки йил муқаддам бўлиб ўтган КПСС XXIV съезди қарорларида янада улкан вазифалар белгиланди. Мамлакатимизни иқтисодий ва социал-сиёсий жиҳатдан янада ривожлантиришнинг съезд белгилаб берган улуғвор программасини совет кишилари муваффақиятли равишда бажармоқдалар.

Совет Иттифоқи ўз ҳаёти биринчи асрининг иккинчи палласига қучқувватга тўлган, улкан ҳаётбахш ғайрати жўш урган ҳолда қадам қўйди. КПСС XXIV съезди белгилаб берган йўлда қўйилган ҳар бир қадам, коммунистик қурилишда эришилган ҳар бир янги зафар ватанимизнинг иқтисодий ва сиёсий қудратини муттасил юксалтирмоқда, унинг халқаро позицияларини ва обрў-эътиборини мустаҳкамламоқда.

Тинчлик ва социализм тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Бу ҳақиқат КПСС билан Совет давлатининг халқаро фаолиятида ўзининг яққол исботини топмоқда.

Совет Иттифоқи КПСС XXIV съезди ишлаб чиққан Тинчлик программасига амал қилиб ташқи сиёсат соҳасида СССРда коммунизм қуриш учун тинч шарт-шароитларни таъминлаб берадиган, социализм, халқларнинг озодлиги, ер юзида тинчлик ишини ҳимоя қилишни таъминлаб берадиган йўлни изчиллик билан муттасил ўтказиб келмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШ ва бошқа мамлакатларга яқинда қилган визитлари совет Тинчлик программасини муваффақиятли равишда амалга ошириш учун бениҳоя муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев АҚШда олиб борган музокараларида тинчлик ишини, ўз мустақиллиги, озодлиги ва социал тараққиёти учун курашаётган халқларнинг одилона талабларини қатъият ва изчиллик билан қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Шу тариқа у давримизнинг туб вазифасини — инсониятни жаҳон уруши хавфидан халос қилиш, давлатлар ўртасидаги муносабатларда уруш ва зўравонликка йўл қўймаслик вазифасини ҳал этишга шахсан жуда катта ҳисса қўшди. Олий даражадаги Совет — Америка музокаралари халқаро вазиятга катта самарали таъсир ўтказмоқда, булар орасида мен ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги тарихий битимни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Ҳозир дунёдаги бутун снёсий ўзгаришлар реал воқеалар бўлиб қолди. Ҳали яқиндагина Вьетнамда уруш олови ловуллаб турган эди. Агрессорларга ва уларнинг гумашталарига қарши курашда ўз сафларини жипслаштирган Вьетнам халқи Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг қудратли мададига, дунёдаги тараққийпарвар кучларнинг бирдамлигига таяниб, узоқ давом этган курашда ғалабага эришди, одилона озодлик ва мустақиллик ишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. Европа қитъасидаги снёсий иқлим анча соғломлашди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланиб социалистик мамлакатларнинг ташаббуси билан чақирилган кенгаш ўз ишини бошлади.

Кескинликни юмшатиш ва турли ижтимоий системалардаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини қарор топтириш сари кескин силжиш бўлишига эришилмоқда. Совет Иттифоқи социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан биргаликда бу принципларнинг халқаро муносабатларда ҳамма эътироф этган ва мустаҳкам норма бўлиб қолиши учун курашмоқда. Бу мақсадга эришиш империализмнинг агрессив кирдикорлари қисиб қўйилганлигини билдиради, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ишига таҳлика солаётган доиралар учун чидаб бўлмайдиган вазиятни вужудга келтиради.

Азиз дўстлар!

Дунёдаги янги воқеалар, тинчлик, миллий мустақиллик ва тараққиёт кучларининг позициялари мустаҳкамланаётганлиги ўз-ўзидан, стихияли равишда содир бўлаётгани йўқ, албатта. Бу — жаҳон социалистик системаси билан капиталистик система ўртасидаги кучлар нисбати ўзининг синфий табиатини мутлақо ўзгартирмаган капитализм ва империализм фойдасига эмас, балки социализм фойдасига ўзгарганлигининг бевосита натижасидир. Эндиликда империализм ҳозирги дунё ривожини орқага буриб юборишга қодир эмас. Бунинг сабаби шуки, энди Совет Иттифоқининг қудрати ва халқаро обрў-эътибори беқиёс ошиб кетди. Социалистик ҳамдўстлик ҳар томонлама мустаҳкамланди, халқаро ишчилар ва миллий озодлик ҳаракати шитоб билан юксалди.

Бироқ, буларнинг ҳаммаси — халқларнинг мустаҳкам тинчлиги ва хавфсизлигига эришмоқ учун ҳали жуда кўп иш қилиш лозим, деган тушунчани равшан англаш қобилиятимизни заррача ҳам бўшаштирмаслиги керак. Халқаро вазиятда аниқ сезилда бошлаган ижобий силжишни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳаётий муҳим вазифадир. Капитал дунёсида ҳамон таъсирли позицияларни эгаллаб турган агрессив кучлар ўз кирдикорлари барбод бўлганлигига чидай олмай, «совуқ уруш»ни яна бошлаб юборишга уринмоқдалар, ҳали айрим жойларда ўчирилмаган уруш ўчоқларини аланга олдирмоқдалар.

(Охири учинчи бетда).

ЎРИМ-ЙИҒИМ ИЛҒОРЛАРИГА — БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети дон экинларини йиғиштириб олиш, давлатга ғалла топшириш, уруғлик ва ем заҳираларини ғамлаш ҳамда ғалла ташиш бўйича областлар, районлар, совхозлар ва автоколонналар ўртасида 1973 йилнинг 21 июлига қадар бўлган социалистик мусобақа якунларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғини **Самарқанд** областида (область партия комитетининг секретари **В. Қодиров,** область ижроия комитетининг раиси **С. Ҳамроқулов,** область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Б. Жамолиддинов,** совхозлар трестининг директори **И. Муҳитдинов,** «Узселхозтехника» область бирлашмасининг раиси **А. Аракелов**) қолдирдилар. Бу область бошқоли экинларни ўриб-йиғиб олиш планини 89,7 процент, шу жумладан сўнгги ўн кун ичида шу соҳадаги планни 17,1 процент қилиб, давлатга ғалла сотиш планини 70,6 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 23,4 процент қилиб, уруғлик ғамлашни 70,4 процент, шу жумладан кейинги уч кун ичида 15,8 процент қилиб,ем жамғариш планини 54,1 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 8,1 процент бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети Қизил байроғи **Тошкент** шаҳар автотрестининг марказлашган юк ташиш **2- кўшма автоколоннасида** (автоколонна бошлиғи **А. Аршакянц,** партия ташкилотининг секретари **В. Мубарякшин,** маҳаллий комитет раиси **И. Жевлаков**) қолдирилди.2-«Ғаллаорол» совхозида дон ташишда қатнашаётган бу автоколонна дон ташиш планини кейинги ўн кун ичида 107,7 процент қилиб бажарди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Қашқадарё областидаги «Кўқдала» совхозига (совхоз директори **Р. Бозоров,** партия ташкилотининг секретари **Д. Боймуротов,** ишчилар комитетининг раиси **Р. Ҳасанов**) берилди. Бу совхоз бошқоли экинларни йиғиштириб олиш планини 100 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 20,3 процент қилиб давлатга ғалла сотиш топширигини 82,5 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 22,5 процент қилиб, уруғлик жамғариш планини 95 процент, шу жумладан кейинги ўн кун ичида 60 процент қилиб ем тайёрлаш планини 63,4 процент қилиб бажарди. Байроқ Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли колхоздан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент** шаҳар автотрестининг марказлашган юк ташиш **2- кўшма автоколоннасида** (автоколонна бошлиғи **А. Аршакянц,** партия ташкилотининг секретари **В. Мубарякшин,** маҳаллий комитет раиси **И. Жевлаков**) қолдирилди.2-«Ғаллаорол» совхозида дон ташишда қатнашаётган бу автоколонна дон ташиш планини кейинги ўн кун ичида 107,7 процент қилиб бажарди.

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Югославия коммунистлар союзи Президиуми ижроия бюросининг аъзоси Ю. Билич Ўзбекистон меҳнаткашларининг ҳаёти билан таништмоқда. Тошкентдан ташқари у Самарқандда ҳам бўлди.

23 июлда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин Ю. Билични қабул қилди. Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда у меҳмонга республика партия ташкилоти бажараётган вазифалар тўғрисида гапириб берди. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШМОҚДАЛАР

АҚШ Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Лоренсо Торес бошчилигидаги Америка Қўшма Штатлари Коммунистик партияси активистларининг делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб турди.

АҚШ Компартиясининг активистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида, шунингдек республика Олий Совети Президиумида қабул қилиндилар. (ЎзТАГ).

«МАРС-4» — ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ва қуёш системаси планеталарини тадқиқ қилиш программасига биноан 1973 йил 21 июль Москва вақти билан соат 22 дан 31 минут ўтганда Совет Иттифоқида планеталараро автомат станция — «Марс-4» учирилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

И. П. ДРИЖАКИНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республика партия органларида узоқ йиллар ва самарали ишлагаилиги ҳамда тутилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон КП Хоразм область комитетининг иккинчи секретари Иван Петрович **Дрижак** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари

А. АБДАЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари

Ҳ. ПУЛАТОВА.

1973 йил, 23 июль.
Тошкент шаҳри.

ПАРВАРИШ ВА ТАРАДДУД

БУХОРО ОБЛАСТЬ РОМИТАН РАЙОНИДАГИ «ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИ» СОВХОЗИНИНГ ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ КУЧАЙТИРИШ, ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАДБИРЛАРИ.

Совхозимиз коллективининг 1973 йилдаги мажбуриятлари қўйидагича: 3675 гектар майдонда пахтадан юқори ҳосил етиштирамиз, она-Ватанга 12 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз, пахтани ўтган йилдагидан 2 минг тонна кўпайтирамиз. Машиналарда 8 минг тонна пахта терамиз, бу ўтган йилдагидан 4 минг тонна кўп демакдир. Ҳар бир машинанинг иш унумини 120 тоннага етказамиз. Теримни қисқа вақтда уюшқоқлик билан ўтказамиз, камида 95 процент пахтани биринчи сортга топширамиз. Ҳар центнер маҳсулот таннархини 20 процент камайтирамиз.

Чорвачиликни шахдам ривожлантирамиз, чорва моллар озуқа базасини мустаҳкамлаймиз, чорвачилик комплексидаги механизмлар ва агрегатлар қувватидан фойдаланишни яхшилаш йўли билан маҳсулот бирлигига сарфланадиган маблағни камайтирамиз. 1150 тонна сут тайёрлаймиз, гўшт етиштиришни 110 тоннага етказамиз, сигирлар сонини қўл бола гунажинлар ҳисобига кўпайтирамиз. Ҳар бош қорамолнинг тириқ вазнини камида 400 килограммга етказиб гўштга топширамиз. Қишлов учун камида 4.200 тонна дағал хашак тайёрлаймиз, 4.000 тонна силос, 2,000 тонна сенаж бостирамиз. Пахта терими бошлангунча бошқа тармоқлар бўйича маҳсулотлар етиштириш ва давлатга топшириш планларини ҳамма турлари бўйича бажарамиз, кўплаб қўшимча маҳсулотлар топширилишини таъминлаймиз.

Мажбуриятларимиз шундай. Уларнинг бажарилиши қандай? Пилла тайёрлаш плани ошириб адо этилди. Ўтган ярим йилда давлатга саккиз-тўққиз ойлик план миқдорида сут, гўшт етказиб берилди, тухум тайёрлаш ўтган йилдагидан икки баравар кўпайтирилди. Ҳисоб-китобларга қараганда,халқимизга планда кўзда тутилганидан ташқари 30—35 процент кўп чорвачилик маҳсулотлари етказиб берамиз. Қишлов учун ем-хашак тайёрлаш кўзда тутилганидан зиёд даражада бажарилянти.

Лекин олдимизда сиёсий аҳамиятга эга бўлган масалалар масаласи турибди. Бу — пахтачиликдир! Деҳқонлар пахта йили келди дейишяпти. Бу гапда жон бор. Бултур табиий офатлар кўп бўлган эди. Ғўзаларни дўл урди, кетидан кучли шамол бўлди. Сўнгра хашарот босди. Сув етишмай кўп қийналдик, ҳосил нишоналарининг бир қисми тўкилиб кетди. Бу йил ана шу табиий офатларнинг ҳаммасидан ҳолимиз.

Ҳозир ҳамма майдонлардаги ғўзаларимиз ёппасига қўсаклаяпти. Чеканкани ўтган йилдагидан 15—17 кун олдин бошладик. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Мукаррама Фузайлова бошлиқ бўлимнинг 915 гектар пахтазори бор. Ҳар туп ғўзада 5—8 тадан кўсак бунёдга келди. Бўлим гектаридан аввал кўзда тутилган 32 центнер ўрнига 35 центнер ҳосил етиштиради. Республикада хизмат кўрсатган механизатор Муяссар Барноева бошлиқ бўлим пахтакорлари 750 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашяпти. Илғор пахтачилик бригадаларимизда ҳам ғўза парвариши уюшқоқлик билан ўтказилиб, юқори ҳосилга пухта замин яратиляпти.

Бироқ тўпланган ҳосил нишоналаридан кўнглимиз тўлаётгани йўқ. Совхозимиз бўйича, юқорида айтилганидек, бир йилда пахтани 2 минг тонна кўпайтириб, 12 минг тонналик маррани эгаллашимиз керак. Бунинг учун ҳар бир бригада, бўлим давлат планинигина эмас, социалистик мажбуриятини ҳам бажариши шарт. Шундагина кўзланган мақсадга эришилади. Бунинг учун нималар қилиш керак?

Ғўза парваришини август ойининг охиригача сира бўшаштирмай давом эттирамиз, шу даврда ҳамма майдонларда камида уч марта, ғўзасининг авжи пастроқ 250 гектар майдонда тўрт марта комплекс парвариш ўтказамиз. Шу кунгача ғўзаларга йиллик минерал ўғитлар нормасини бериб бўлдик. Аммо айрим пайкаллардаги ғўзалар ҳамон ўғит талаб қилаётганидан кўз юма олмаймиз. Вазиятни ҳисобга олиб, ҳар гектар ер ҳисобига 7—8 тонна чиритилган гўнг солишга, «шарбат» оқизишга қарор қилдик.

Шу кунларда ғўзалар қийғос шоналаб гуллар, тугунчалар ҳосил қиляпти, кўсаклар сонини кўпайтиряпти. Бундай шароитда ўсимликнинг сувга бўлган талаби кескин ошади, ҳароратнинг кўтарилиши эса бу талабни янада кучайтиряпти. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кейинги ҳафталарда ҳаво жуда исиб кетиши туфайли сизот сув юза жойлашган ерлардаги ғўзалар ҳам, қуйи жойлашган ерлардаги ғўзалар ҳам кўп сув талаб қила бошлади. Деҳқонларимиз сув ғўзанинг қони эканини, сувдан қолдирилган ғўзалар ҳам ҳосилли бўлиб қолишини, сувга қондирилган ғўзалар юқори ҳосил беришини яхши биладилар. Шунинг учун ҳам сувчилар сонини яна 70 кишига кўпайтирдик. Ҳозир совхозимиз бўйича 350 киши сувчилик қиляпти. Ҳар литр сув, ҳар бир пайкалдаги ўсимликнинг ҳолати ҳисобга олиняпти. Тунги сувчиларнинг ҳаммаси тошфонарлар билан таъминланган, уларга нормани тўла бажарган тақдирда кундузги сувчиларга нисбатан кўп ҳақ тўланади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, тунда суғорилган ғўзалар кундузи суғорилган ғўзаларга нисбатан дуркун ўсиб, кўп ҳосил тўплаяпти. Кундузги сувчиларга ер шароити, ғўзаларнинг ҳолатини ҳисобга олиб 1,5 гектаргача, тунги сувчиларга бир гектаргача норма белгиладик.

Ер етилиши билан дарҳол чуқур культивация ўтказиляпти. Бунинг аҳамияти катта. Тупроқ қатламидаги сув бўғланишдан сақлаб қолинади. Қатор ораси майин бўлгани учун ўсимликнинг илдиз системаси ҳаво ва иссиқликдан яхши баҳра олади. Механизаторларимиз жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Ҳар бир универсалда кунига ўртача 8—9 гектар майдонда культивация ўтказиляпти. Ғўзаларнинг ҳосил шохлари бир-бирига кириб кетди, чеканкадан кейин бу жараён айниқса кучайяпти. Вазиятни ҳисобга олиб, универсалларнинг иш органларига тўсиқлар ўрнатдик. Ҳар бир механизатор август ойининг охиригача қайси пайкалда қандай ишлар қилишини яхши билади, графиклар тузиб, берилган.

Энг яхши агротехника муддатида ўтказилган чеканка ҳосилдорликни 4—5 центнер кўтаради, машиналарнинг унумли ишлашига қулай шароит яратади. Битта чеканка машинаси камида 45—50 кишининг ишини бажаради. Шу важдан ўсимликнинг ҳолатини ҳисобга олиб, машиналарни пешма-пеш ишга туширяпмиз. Зарур топилган пайкалларда такрор чеканка ўтказишни кўзда тутмоқдамиз. Чунки бу йил ёғингарчиликлар кўп бўлиб, ғўзаларнинг бўйи тез ўсиб кетди. Бир туп ҳам ғўза чеканка қилинмай қолдирилмайди.

Қишлоқ хўжалик зараркунандалари деярли бўлмади. Бу, деҳқонларнинг бахти. Лекин ҳар дақиқада хушёр турибмиз. Етарли агрегатлар, заҳарли химикатларга эгамиз. Зараркунанда кўзга илинган жойда дарҳол ўт очиб, бутунлай қириб ташлаймиз.

Совхозимиз пахтакорлари август ойининг охиригача ғўза парваришини агротехника муддатларида ўтказиб, юқори ҳосил етиштирадилар. Айни кезда пахта йиғим-теримини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирларини белгиладик. Булар қуйидагилардан иборат:

15 та янги пахта териш машинаси харид қилдик, далаларимизда жами 77 та машина ишлайди. Ҳар машинани икки механик-ҳайдовчи сменалаб бошқаради. Ҳар машинанинг иш унуми камида 120 тонна бўлади. Ҳаёт Султонов, Умар Жумаев, Қаландар Жумаев, Баҳром Ҳожиев, Неъмат Азизов, Мурод Ҳамроев каби ўнлаб илғор механик-ҳайдовчиларимизнинг ҳар бири мавсумда 350—400 тоннадан пахта териш мажбуриятини олишди. Терим машиналаримизнинг ҳаммаси ремонтдан чиқарилиб мавсумга тахт қилиб қўйилди. Дирекция ва партия комитетининг махсус комиссияси ремонт сифатини юксак баҳолади.

Машиналар группа усулида ишлатилади, ҳар группада 5—7 та машина бўлади. Пахта терими даврида бешта кўчма устахона ишлайди. Уларда 4 токарь, 22 слесарь, 16 механик иш олиб боради, зарур топилган тақдирда механик-ҳайдовчиларга биринчи ёрдам кўрсатади.

Пахта ташишга 120 та тележка, кўплаб юк машиналари сафарбар этилади, уларнинг қатнови терим машиналарининг иши билан уйғунлаштирилади.

Бу йил механизатор кадрлар сони 60 кишига кўпайтирилди. Айни кезда бўлимлар ва бригада бошлиқлари машинада пахта териш юзасидан ўз зиммасига конкрет мажбуриятлар олишди. Бўлим бошлиқларидан Мукаррама Фузайлова ва Муяссар Барноева 200—300 тоннадан пахта териб беришади. Шуниси қувончлики, бу бўлимларда етиштирилган ялпи ҳосилнинг 85—90 процента «зангори кема»ларда саранжомлаб олинади.

Коммунист Бобохон Холов бутун онгли ҳаётини пахтачиликни комплекс механизациялашга бахш этиб келмоқда. Унинг бригадасида бу йил 100 процент ҳосил машиналарда терилади, гектаридан 45 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтарилди, иш жараёнида мутлақо қўл кучи ишлатилмайди. Шу сабабли энг арзон пахта тайёрланади. Раҳмон Баҳромов, Абду Хўжаев, Донийёр Муҳаммедовлар бошлиқ юқори ҳосилли бригадаларда ҳам теримда қўл кучи ишлатилмасдан бор пахта машиналарда йиғиб олинади.

Машина терими хўжалигимизга жуда катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, бир тонна пахтани қўлда теришга 47 сўм маблағ сарфланса, машинада теришга 7 сўм сарфланиб, 40 сўми тежаб қолинади. Биз машиналарда 8 минг тонна пахта терамиз. Шунга ҳаммаси бўлиб 56 минг сўм пул тўланади. Ваҳолонки, шунча пахта қўлда терилса давлатнинг 362 минг сўм пули кетарди. Биз машиналарга кенг йўл очиб бериб камида 320 минг сўм маблағни тежаб қоламиз. Машиналарда терилган пахта биринчи сортга қабул қилиниши туфайли қўшимча 420 минг сўм соф фойда кўрамиз.

Машина терими шахсий манфаатдорликни кучайтиришда ҳам ҳал қилувчи роль ўйнайди. Битта теримчи бир кунда энг кўп пахта териб 8—10 сўм иш ҳақи олса, бир механик-ҳайдовчининг кунлик даромади 55—60 сўмни ташкил этади.

Ташкилий жиҳатдан пухта тараддуд кўрилгандагина машина теримида яхши кўрсаткичга эришилади. Бунда биз дефолиацияни назарда тутяпмиз. Агротехниканинг бу муҳим тадбирини ҳар туп ғўзада 4—5 та кўсак очилганда бошлаб, беш кунда тугаллаймиз. Узоғи билан 15—16 сентябрда машина теримини бошлаймиз. Бу йил икки терим ўтказамиз, биринчи теримда гектаридан 22—23 центнердан, иккинчи теримда 8—10 центнердан пахта териб олишини таъминлаймиз. Қолган пахтани турли агрегатлар воситасида қисқа вақтда саранжомлаб оламиз.

Совхоз партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳам ғўза парвариши даврида қилинадиган ишлар, теримни тез ва соз ўтказишга қаратилган тадбирлар белгилаб, изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

Районимиз ҳақида икки оғиз сўз. Бу йил давлатга 70 минг тонна пахта етказиб берилади, ҳосилдорлик 32,5 центнер бўлади, бултургидан 9 минг тонна кўп пахта тайёрланади. 1972 йилда ялпи ҳосилнинг 38 процента машиналарда терилган бўлса, бу йил 50 процента терилади. Далаларимизда 350 та машина ишлайди, уларни 700 механизатор бошқаради. «Ромитан» совхози, Нариманов номли, Энгельс номли, «Ўзбекистон» колхозларида машина теримига тайёргарлик ишлари айниқса кучайтириб юборилди. Совхозимиз коллективи пахтакорлар мусобақасида ғолиб чиқиш учун бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилади.

Ҳамро САИДОВ, Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг директори, **Жўра ФОЗИЛОВ,** партия комитети секретари, **Сафар УРОҚОВ,** бош агроном. **Ҳалим ГАДОЕВ,** бош инженер.

СОВЕТ—ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИ

Совет — Франция доимий қўшма комиссиясининг саккизинчи сессияси Москвада ўз ишини муваффақиятли тугаллаганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Бу сессияда турли соҳалардаги илмий-техникавий ва иқтисодий ҳамкорликнинг якунлари ва истиқболлари ҳақида чиқилди.

Совет делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. А. КИРИЛЛИН ТАСС мухбирига қуйидагиларни айтди:

Бу сессия аввалги сессияларга нисбатан анча кўпроқ натижа берди. Бунинг боиси, аввало, шундан иборатки, биз «совуқ уруш» халқаро майдонда чиқиб кетаётган ва ўрнини ўзаро манфаатли ҳамкорликка бўшатиб бераётган қулай бир пайтда тўпландик. Мамлакатимиз раҳбарларининг олий даражада мунтазам учрашувлари Совет—Франция ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Маълумки, 1973 йилда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду икки марта учрашдилар. Бу сессия аввалги сессиялардан яна шу билан фарқ қиладики, кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳажми гоят кенгайиб кетди, биз қараб чиқаётган масалалар ҳам чуқурроқ бўлиб қолди.

В. А. Кириллин сўзини давом эттириб, бундай деди: биз илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида катта муваффақиятларга эришдик. Сессияда шу тўғрисида гапирилди. Фақат бир мисол келтириб ўтаман. Менинг фикримча, СССР Фанлар академиясининг нефть-химиявий синтез институти Франциянинг «Рон-пуленк» фирмаси билан биргаликда бажарган иши шундай натижа билан тамом бўлдики, буни тўла асос билан кашфиёт деб аташ мумкин. Улар газ ўтказишда жуда катта қобилиятга эга бўлган полимер пленкасини яратдилар. Бу эса ҳавони кислород билан оддий усулда бойитиш имконини беради. Бу жараённи кенг миқёсларда амалга ошира олсак (мен буни албатта амалга ошира оламиз, деб ўйлайман) техникада бурилиш ясалган бўлади.

Саноат ҳамкорлиги ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасида катта муваффақиятларга эришилди. Шу муносабат билан мамлакатларимиз ўз олдига қўйилган вазифа — 1970—1974 йиллар мобайнида ўзаро товар айирбошлашни икки баравар кўпайтириш вазифасини бемалол бажариш мумкин эканлигини таъкидлаб ўтишни истар эдим. Сессиянинг иш кунларида экономика ва саноат соҳасида Совет — Франция ҳамкорлигини кучайтириш юзасидан ўн йилга мўлжаллаб тузилган ва имзоланган программа бунга шубҳасиз, катта ёрдам беради.

Ҳамкорлигимизнинг ҳамма соҳаларида жуда яхши истиқболлар очилмоқда. Бу истиқболлар Франция экономика ва молия министри В. Жискард-Эстэннинг СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан қилган суҳбати вақтида муҳокама этилган эди. Химия ва нефть химияси, металлургия соҳасида, ёқилғи тармоқлари, жумладан, нефть-газ соҳасида биргаликда бажариладиган ишларнинг бир қанча жуда мароқли йўналишлари берилган эди. Ана шу йўналишларнинг баъзилари юзасидан жуда катта лойиҳалар тузилишига аминман.

В. А. Кириллин томонларнинг конкрет таклифлари ҳақида гапириб, жумладан, Совет Иттифоқида химия ва нефть химиясининг баъзи маҳсулотларини ишлаб чиқаришни уюштириш масаласига тўхталиб ўтди. Бу маҳсулотлар Совет Иттифоқи ва Франциянинг ҳам, иложи бор қадар бошқа мамлакатларнинг ҳам эҳтиёжларини қондира олиши керак. Масалан, аммиак, метанол, синтетик каучук, бир қанча мономерлар ва ҳоказолар шулар жумласидандир. Совет делегациясининг бошлиғи бундай деди: бундай таклиф учун шу нарса асос қилиб олиндики, мазкур маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқариш учун, биринчидан, ҳом ашё, аввало,газ, иккинчидан, етарли миқдорда энергетика ресурслари, учинчидан, яхши машина-ускуналар талаб этилади. Мамлакатларимиз буларни биргаликда таъминлай оладилар.

Газ ва нефть каби муҳим маҳсулотларни турли усулларда қидириб топиш, қазиб чиқариш, ташиш ва етказиб бериш билан боғлиқ бўлган масалалар ва бошқа проблемалар ҳам муҳокама қилинди. Биз сессиядан кейинроқ айрим соҳаларда ҳамкорлик қилишнинг конкрет программаларини ишлаб чиқишга киришиш ҳақида келишиб олдик ва бу ҳамкорлик катта истиқболга эга бўлди, деб ўйлайман.

В. А. Кириллин сўзининг охирида бундай деди: биргаликда олиб борилган иш жараёнида доим дўстлик ва амалий ҳамкорлик вазиятида ўзим сурганлиги ҳаммамизни қувонтиради.

Ю. БЕРСЕНЕВ.

Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа

БИЗНИНГ РЕЖАЛАР

Район партия ташкилоти меҳнаткашларни КПСС XXIV съезди белгилаб берган вазифаларни, тўққизинчи беш йиллиннинг улкан режаларини муваффақиятли амалга оширишга сафарбар эта бориб, омма ўртасида ташкилий ва снёсий ишни такомиллаштиришга эришмоқда. Беш йилликни муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақаси ҳамма ерда кенг қулоч ёйди.

Ишлаб чиқаришда эришилган ютуқлар, энг яхши иқтисодий кўрсаткичлар мусобақа самарадорлигини кўрсатувчи асосий мезондир. Шу жиҳатдан қараганда, дастлабки якунлар қувончли эканлигини мамнуният билан қайд қила оламиз. Беш йилликнинг ўтган икки йили ичида планга нисбатан 159 минг сўмлик кўп саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 12 миллион сўмлик капитал қурилиш ишлари амалга оширилди.

Қишлоқ меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажармоқдалар. Ўтган икки йил мобайнида планда белгиланган 82 минг тонна ўрнига 91 минг тоннадан кўп пахта етиштирилди, ҳар гектар ердан 37,4 центнердан ҳосил йиғиб олинди. Жамоат чорвачилигини ривожлантиришда олдинга томон дадил қадам қўйилди. Кейинги йилларда гўшт, сут, тухум, қоракўл тери етиштириш анча кўпайди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари социалистик мусобақага раҳбарликни яхшилаш, омманинг меҳнат активлигини, ғайрат ваташаббусини ошириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш юзасидан белгиланган конкрет тадбирлар ишчанлик билан бажарилаётир. Районда 13 мингдан кўпроқ киши социалистик мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқаришда жонбозлик кўрсатмоқда. Кейинги ойларда 178 киши коммунистик меҳнат зардори деган шарафли номни олишга сазовор бўлди. 11 та колхоз, 180 бригада беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббусига қўшилди. 64 та бошланғич, 93 та цех, бригада партия ташкилотларига уюшган 2 мингга яқин коммунист социалистик мусобақага етакчилик қилмоқда. Коммунистлар ва комсомоллар мусобақа пешқадамлари сафида боришяпти.

Райком социалистик мусобақага раҳбарлик усуллари ва методларини такомиллаштира бориб, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштиришга катта эътибор бермоқда. Ленин номли колхоз бошланғич партия ташкилоти (секретари О. Ҳакимов)нинг мусобақани уюштириш тажрибаси юзасидан фикр олишув бўлди. Карл Маркс номли колхоз партия комитети белгилаган тадбирлар маъқулланди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ҳожи Қурбонов, донгдор пахта усталари Ражаб Собиров, Салай Ҳайитбоев бошлиқ бригадаларда ғўза парваришини ташкил этишнинг илғор тажрибалари оммалаштирилди. Бу пешқадам колхозлар ва бригадаларда социалистик мусобақа намунали уюштирилган, мусобақа илғорлари моддий ва маънавий рағбатлантирилянти.

Эътироф қилишимиз керакки, социалистик мусобақани ташкил этиш соҳасида ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор. Мусобақа шартларининг тўла бажарилишини таъминлашда ташкилотчилик, изчиллик етишмаётир. Айрим хўжаликлар, бригадалар ўртасида тузилган шартномалар қандай бажарилаётганлиги ўз вақтида текшириб борилмайди ва якунланмайди. Мусобақанинг самарадорлиги учун етарли кураш олиб борилмайди. План ва мажбуриятларнинг бажарилмаслик сабаблари чуқур таҳлил қилинмаётир.

Мусобақанинг ошкоралигини таъминлашда кўргазмали агитациядан кенг фойдаланиш мумкин. Аммо, «Ҳурмат тахтаси», кўрсаткич тахталари, деворий газета, панно ва плакатлар ҳамда бошқа таъсирчан воситалардан самарали фойдаланилмаётир. Иқтисодий анализ кабинети ҳар бир колхозда бор, лекин унда мунтазам, планли иш йўқ. Мусобақа илғорларини рағбатлантиришга эътибор кам.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Андижон область партия ташкилотининг меҳнаткашлар ўртасида социалистик мусобақани ривожлантириш борасидаги иши тўғрисида» қабул қилган қарори асосида биз конкрет тадбирлар ишлаб чиқдик. Райком ва бошланғич партия ташкилотлари белгилаган ана шу тадбирларда асосий эътибор социалистик мусобақага раҳбарликни янада яхшилашга, мавжуд камчиликларни бартараф қилишга қаратилди.

Районимиз меҳнаткашлари бу йил 49 минг тонна пахта етиштириш, ҳосилдорликни гектар бошига 42 центнерга етказиш, жами ҳосилнинг қариб ярмини машиналарда териб олиш, барча турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш мажбуриятини олиб, Боғот райони билан мусобақалашганлар. Шу мақсадда ҳозир ғўза парвариши ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборилди. Июль ҳосил ғўплаш ойи деб эълон қилинган. Деҳқонларимиз шу ойда ҳар туп ғўзада камида 6-8 тадан кўсак тўпламоқдалар.

Беш йилликнинг учинчи йили учун олинган юксак мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилиши қишлоқ меҳнаткашларининг активлигига ва ижодий ташаббусига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Район партия ташкилоти уларнинг ташаббускорлигини ҳар қачонгидан ҳам кучайтиради, омма ўртасида социалистик мусобақани авж олдиради.

П. НАЗАРОВ,
Урганч район партия комитетининг биринчи секретари.

РСДРП ИККИНЧИ СЪЕЗДИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Чирчиқ шаҳар партия комитети ва «Билим» жамияти Тошкент область ташкилоти ўтказган назарий конференция РСДРП иккинчи съездининг 70 йиллигига бағишланди. Олимлар ва партия ветеранлари қилган асосий докладларда большевизмнинг пайдо бўлиши масалалари ёритилди. Большевизмнинг вужудга келиши Россия ва халқаро ишчилар ҳаракатида бурилиш нуқтаси бўлди. «КПСС — пролетар интернационалистлари партияси» деган мавзуга бағишланган бошқа бир конференция юқори Чирчиқ районидаги «Гулистон» колхозида ўтказилди.

РСДРП иккинчи съездининг 70 йиллигини байрам қилиш муносабати билан пойтахт области клублари, маданият уйлари ва саройларида «РСДРПнинг иккинчи съезди —ишчилар ҳаракати тарихида янги босқич», «КПСС— илмий коммунизм партияси» деган мавзуларга бағишланиб лекциялар, суҳбатлар ўтказилди. Область «Билим» жамияти ташкилоти лекторларнинг бир группасини қишлоқ районларига юборди. (ЎзТАГ).

Тошкент метроси жадал суръатлар билан барпо этиляпти. Бунёдкорларнинг шижоат кўрсатиб ишлаётганлиги туфайли бир километрдан зиёд тоннель қўлдан чиқарилди. Суратларда: (чапдан ўнгга) 1. Илғор тоннель проходкачилари Неъмат Хўжаев ва Забихулла Саидазизов ўртоқлар. 2. «Муқимий» станциясининг иккинчи участкасида.

И. Глауберзон фотоси.

Тадқиқотчи билан ёнма-ён

АЛКОЛОИДЧИ

РЕПОРТАЖ

У колба тубига чўкиб қолган тариқ донасидек келар-келмас зарраларни авайлаб олди-ю, игнадек шишачага жойлади. Ҳарорат кўрсаткичли ҳалқасимон трубкага ўрнатиб, аланга устига қўяркан, алланималарни ёзиб қўйди.

— Бу янги моддани бирничи белгиси ёки умид уқуқунлари бўлса ажаб эмас... Олим ўйчан кўзларини бир нуқтага тикканча жимиб қолди. Унинг кичкина жуссасида минг хил ҳаёл кезарди.

...Гнёҳлар бағрида яшириниб ётган турли-туман шифобахш моддалар таркиби асосан углерод, кислород, азот ва водород элементларидан иборат. Улар ўзаро қандай нисбатда бириккан, ҳар бирининг миқдори қанча, боғланишлар сони-чи? Табиий шароит таъсирида муттасил ўзгариб туриши-чи?..

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўсимлик моддалари кимёси институти КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиб, республикамизда фан ва техника тараққиётига катта ҳисса қўшиб келмоқда. Шу кунгача институт ходимларидан йигирмадан зиёд киши фан доктори, 150 дан ортиқ ходим фан кандидати илмий даражасини олишга муваффақ бўлди. Институт коллективининг кимё оламидаги жиддий муаммоларни ҳал этишдаги хизматлари ҳақида атоқли олим, академик А. Несмеянов шундай деган эди: **«Биз Ватанимиздаги ўсимликлар ҳом ашёсида учровчи алкоидларни чуқур текширувчилар, жумладан А. П. Орехов мактаби билан фахрлана оламиз. Ҳозирги вақтда алкоидлар бўйича олиб борилаётган ишларнинг маркази Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ўсимлик моддалари кимёси институти бўлиб қолди».**

Биз ҳикоя қилаётган ёш, истеъдодли олим Марат Юнусов ҳам фан оламини бир неча янги препаратлар билан бойитган алкоидчилардан. Унинг Ўрта Осиёнинг қир, тоғ ва адирларида ўсадиган турли хил гиёҳлар билан ишлаётганига ўн йилгина бўлди, холос. Бу қисқа муддат ичида у бир неча ўсимликнинг ҳар хил аъзоларида, ҳар хил давларда ва ҳар хил жойда ўсишига кўра, улар таркибидаги алкоидларнинг турлича бўлишини аниқлади. Аконит ўсимлигининг беш туридан 25 алкоид ажратиб, улардан тўққизтасининг табиий состави, физик ва кимёвий тузилишини, айрим омиллар таъсирида турлича ўзгаришини ўрганди. Ўсимликдан олинадиган дори-дармонларни саноат миқёсида ишлаб чиқариш учун унинг янги манбаларини қидириб топди.

Катта илмий ходим Марат Юнусов ва унинг раҳбарлигидаги группа ходимлари томонидан яратилган бир қанча препаратлар СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг фармакология комитети томонидан клиник шароитда текшириш учун рухсат этилди. Ҳозирда шу алкоидлардан саккизтаси медицинада қўлланилмоқда. Бу препаратлар дастлабки синовдаёқ қон босимини пасайтирувчи ва юрақнинг турли хасталикларини даволашда таъсирчанлиги билан ижобий натижалар берди.

Марат Юнусовнинг шогирдларидан Эргаш Исроилов, Муҳлис Султонхўжаев ва Владимир Телновлар кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқладилар, яна икки ходимнинг кандидатлик ишлари ниҳоясига етай деб қолди.

Истеъдодли олим ўн йиллик илмий тадқиқот ишларини якунлаб, «Аконит ўсимлигининг алкоидлари» деган мавзуни ишлаб чиқди. Уттиз уч ёшидаёқ фаннинг юксак чўққисига эришди. Иттифоқимизнинг кўзга кўринган кимёгар олимлари унинг тадқиқотини юқори баҳоладилар.

«Илмий ишингиз энг янги усуллар билан жуда тўлақонли асосланган. Бу алкоидлар оламидаги салмоқли муваффақият бўлибгина қолмай, медицинада қўлланиши билан ҳам катта илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Академик Ю. А. Овчинников, СССР Фанлар академиясининг М. М. Шемякин номидаги Табиий бирикмалар кимёси илмий-тадқиқот институтининг директори. И. В. Торгов, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси. Москва шаҳри».

«М. С. Юнусов илмий ишларининг кўлами бенихоя кенг, амалий аҳамияти жиҳатидан бир неча жабҳаларни қамраб олган. У келажакда беморларнинг сиҳат-саломатлигини тиклашга ишонамиз.

Д. А. Муравьева, Пятигорск шаҳри фармацевтика институтининг Фармакогнозия кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, профессор».

М. Юнусовнинг илмий ишлари юзасидан айтилган илиқ фикрлар талайгина. Биз улардан баъзиларини келтирдик, холос.

...1962 йили Ломоносов номидаги Москва Давлат университетининг кимё факультетини имтиёзли диплом билан тугатган Маратнинг қалбида илмга бўлган ташналик мавж ураётган эди. У студентлик давридаёқ факультет қошидаги студентлар илмий жамиятида фаол қатнашар, органик кимёнинг муҳим актуал проблемаларини ҳал этишда иштирок этарди.

Фан сирларини очишга бўлган интилиш, гиёҳлар дунёсига меҳр қўйиб, ундан беморлар дардига даво излаш иштиёқи уни Тошкентга етаклади. У Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтининг алкоидлар кимёси лабораториясига кичик илмий ходим бўлиб ишга келди.

Марказдаги малакали устозлардан олинган илм сабоқлари, мустақил мутолаа, илмий иш раҳбари, кимё фанлари доктори Самад Акрамовнинг бевосита кўмаги тез орада ўз самарасини кўрсатди. У 1966 йили кандидатлик диссертациясини ёқлади.

М. Юнусов илм масканида тиним билмади, доимо янги ва таъсирчан дорилар излади. Ерқин уфқлар сари интилди. Ўтизга яқин илмий мақолалари билан Иттифоқимиздаги кўпгина кимёга оид журналларда қатнашди. Кимё ютуқларини тарғибот қилишда, табиий бирикмалар кимёсига бағишланган совет-ҳинд симпозиумида, Рига шаҳрида ўтказилган еттинчи халқаро симпозиумда докладлар қилди.

— Гиёҳлар дунёси кенг, унда ҳал этилмаган муаммолар талайгина. Уларнинг сирларини очиш, янги-янги таъсирчан дорилар яратиш — бизнинг бурчимиз, — дейди Марат Юнусов.

Ҳ. МАҲСУМОВ.

ЛЕНИНЧА МИЛЛИЙ СИЁСАТ АМАЛДА

ТАҚРИЗ

Яқинда профессор Ҳ. Иноятовнинг ана шу ном билан аталган янги йирик монографияси босмадан чиқди. Машҳур олим академик И. И. Минц бу китобга ёзган муқаддимасида мавзунинг гоят актуаллигини алоҳида қайд қилади. Бу асар жуда муҳим ва актуал масалага — Совет Ўрта Осиёси ва Қозоғистон тарихини соҳталаштирувча буржуа идеологларини фош қилишга бағишланган. Маълумки, муаллиф бу масала билан бир неча йиллардан бери шуғулланиб келяпти. Автор бундан бир неча йил муқаддам Совет Иттифоқида биринчи бўлиб, ушбу мавзуда «Ўрта Осиё ва Қозоғистон тарихини соҳталаштирувчиларга қарши»*) деган илмий монографик тадқиқот яратган эди. Бу асар илмий жамоатчилигимиз томонидан юқори баҳоланди, бир неча чет тилларга ҳам таржима қилинди.

Ҳозирги пайтда империализм маддоҳлари социализм шароитида миллий тараққиётнинг бекиёс ўсиши Осиё ва Африка мамлакатларида мустақилликка эришган ёки озодлик байроғини кўтараётган ёш мустақил давлатларга катта революцион таъсир кўрсатаётганлигидан талвасага тушиб, Совет Ўрта Осиёси тарихини, биринчи навбатда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинча миллий сиёсатини бузиб кўрсатиш, уни соҳта талқин қилиш учун ўзаларидаги барча куч ва имкониятларини ишга солаётирлар. Буржуа соҳталаштирувчилари социалистик революция Туркистон аҳолисига озодлик олиб келмади, деган беасос даъвони тўқиб чиқариб, уни «исботлашга» уринмоқдалар. Улар чор Россияси давридаги миллий сиёсатни совет миллий сиёсати билан тенглаштирмоқчи бўляптилар.

Чуқур партиявий позициядан туриб, жуда бой ва хилма-хил фактик материалларга асосланиб ёзилган мазкур асар ана шу таҳлитдаги буржуа соҳталаштирувчиларининг турли-туман концепцияларини ишонарли равишда танқид қилиб, уларнинг барча усулларини фош этади.

Совет тарихшунослигида ҳозиргача Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари томонидан социалистик қурилиш масалаларига оид буржуа соҳталаштирувчиларининг туҳматларини ҳар томонлама фош қилиб ташловчи йирик илмий тадқиқот йўқ эди. Муаллиф ўз асарида Совет Шарқи республикаларидаги социалистик ўзгаришлар тажрибасини кўрсатишга, Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий ривожланиши, ўлкада Совет ҳокимиятини тузиш ва ривожлантириш, коммунистик қурилиш даврида миллий муносабатларнинг тараққиёт диалектикасини очиб беришга ҳаракат қилади.

Автор юқорида кўрсатиб ўтилган вазифани муваффақият билан бажарган деб айта оламиз. Илчил марксистик методология, асар мундарижасининг пухта ўйланганлиги Коммунистик партиянинг миллий сиёсатини босқичма-босқич кўрсатиб бериш билан бир қаторда, ҳар бир масала бўйича буржуа соҳталаштирувчилари билан илмий мунозара юритиб, уларни фош қилади.

Монография кириш, ҳар бири қатор бобларга бўлинган икки қисм ва хулосадан иборат. Кириш қисмида темаининг актуаллиги асосланган, Совет Ўрта Осиёси тарихининг чет элда ўрганиш ҳолати кўрсатилган, буржуа соҳталаштирувчиларини фош қилувчи ишлар таҳлил қилинган, илмий тадқиқотнинг конкрет мақсади ва вазифалари белгиланган.

Асарнинг «Ўрта Осиё ва Қозоғистон Совет Республикаларида социализм ғалабаси» деган қисми бир қанча жиддий масалалар тадқиқотини ўз ичига олган. Совет миллий республикаларининг бунёдга келиши ва ривожланиши — ТАССР ва Қирғизистон (Қозоғистон) автоном республикасининг ташкил топиши ва бу ўзгаришларнинг иқтисодий ривожланишга таъсири, Совет ҳокимиятининг миллий органларини тузиш, Бухоро ва Хоразмда совет ва партия қурилиши соҳаларида олиб борилган улкан ишлар, мамлакатнинг қиштмоий ҳаёт ва хўжалик соҳаларида миллий тенгсизликни тугатиш каби масалалар шулар жумласига киради. Ўрта Осиёда миллий чегаралашнинг ўтказилишини муаллиф совет миллий давлатчилиги тараққиётидаги муҳим, ўз аҳамияти жиҳатидан иккинчи босқич деб кўрсатади.

Маданий революция, ленинча ғояларнинг амалга оширилиши ва унинг самаралари хусусида билдирилган фикрлар, китобхонларга айниқса манзур бўлади. Хотин-қизларни озод қилиш масаласи ҳам мукаммал равишда ёритилганлиги диққатга сазовордир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг Улуғ Ватан уруши йилларида немис-фашист босқинчиларига қарши олиб борган мардонавор курашини кўрсатувчи боб ҳам ўқувчиларда жуда яхши таассурот қолдиради. Муаллиф совет халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнатини, жанг майдонларидаги мардлик ва қаҳрамонликларини ҳамда уруш йилларидаги хўжалик ва маданий ривожланиш тафсилотларини яққол ифодалаб бера олган.

Монографиянинг иккинчи қисми «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда социалистик жамиятнинг ривожланиши ва аста-секин коммунизмга ўтиш даври»га бағишланган. Бу қисмда автор Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг экономика ва маданиятни мислсиз тез суръатлар билан юксалтириш йўлидаги қаҳрамонона меҳнатини ёрқин мисоллар билан кўрсатиб беради.

Монографиянинг хулосаси юқори илмий-назарий савияда ёзилиб, унда жуда кўп фактик материаллар умумлаштирилган.

Ҳ. Иноятовнинг мазкур тадқиқоти Коммунистик партия миллий сиёсатининг донолигини, оқилоналигини, унинг улкан ҳаётий натижаларини асосли равишда ва мукаммал ёритиш билан бирга, буржуа соҳталаштирувчиларининг юқорида қайд қилинган масалалар бўйича даъволарини фактик материаллар асосида рад қилган. Буржуа соҳталаштирувчилари Туркистонда миллий анъаналар ва урф-одатлар сўниб бормоқда, деб даъво қилмоқдалар. Уларнинг бу туҳмати асарда келтирилган илмий далиллар ва фактлар асосида пучга чиқарилган.

Ҳ. Иноятов ўз асарида чет эллик муҳожирлар, Ўрта Осиёдаги ҳарбий интервенция бошлиқлари томонидан ёзилган «асар»ларда, «хотира»ларда совет воқелиги бузиб кўрсатилиб, уларда келтирилган фактлар ҳақиқатдан жуда йироқ эканлигини исботлаб берган. Асарда чет эллардаги антикоммунизм марказларининг фаолиятлари ва уларни моддий жиҳатдан таъминлаб турган империалистик доираларнинг асл мақсадлари яхши таҳлил қилинган ва фош қилинган. Ҳ. Иноятовнинг бу соҳадаги жуда катта меҳнатини алоҳида қайд этиб ўтиш керак. Буржуа тарихшунослигини чуқур билиш, объектив руҳдаги ғарб тарихчиларининг асарларидан фойдаланиш авторга империализм маддоҳлари билан асосли ва зўр мантиқли мунозара олиб бориш имкониятини берган.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг бой ва сермазмун социалистик ҳаётини реал тасвирловчи фотосуратларнинг мавжудлиги ва илова қилинган хариталар монография қимматини янада оширган.

Айни вақтда монография баъзи камчиликлардан ҳам холи эмас.

Юқорида айтилганидек, Ўрта Осиёда 1924 йилда ўтказилган миллий чегаралаш тўғрисида буржуа тарихчиларининг нотўғри фикрлари ишонарли фош этилган. Айни вақтда асарда миллий чегаралаш ва янги республикаларнинг барпо этилишининг тарихий сабаблари ва заруриятлари тўлароқ баён этилиши лозим эди.

Китобнинг 67-бетида Бухоро Компартиясидаги «сўллар» устида гап боради, лекин ундаги тўғри йўл тутган кишилар ҳақида маълумотлар келтирилмаган.

Аммо бу каби айрим камчиликлар монографиянинг умумий қийматига сира халал етказмайди.

Ҳ. Иноятовнинг мазкур тадқиқотини энг актуал ва муҳим мавзуда ёзилган йирик илмий асар сифатида баҳолаб, унинг нашр этилишини маданий ҳаётимизда қувончли ҳодисалардан бири деб ҳисоблаймиз. Бу муҳим асар ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, кўп нусхада нашр этилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
тарих фанлари доктори, профессор,
Б. МАННОНОВ,
тарих фанлари кандидати.

*) Ҳ. Иноятов. «Ленинча миллий сиёсат амалда» (Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда социализм қурилишининг тарихий тажрибасини бузиб кўрсатувчи антикоммунизм идеологларига жавоб). Масъул муҳаррир СССР ФА академиги И. И. Минц, Тошкент «Ўзбекистон» нашриёти, 1973 йил (рус тилида).

Ш. Р. РАШИДОВнинг Бағдод телевидениеси орқали сўзлаган нутқи

(Бошы биринчи бетда).

Тараққийпарвар ва тинчликсевар кучлар ўз сафларини янада жипслаштиришлари, империализм ва реакция кирдикорларига нисбатан ғоят ҳушёр бўлиб туришлари, уларнинг халқ манфаатларига зид режаларига қарши актив кураш олиб боришлари зарур.

Ялпи тинчлик манфаатлари, Яқин Шарқ халқлари тинчлиги ва хавфсизлигининг манфаатлари халқаро империализм ва сионизм мадади билан араб халқларига қарши ҳамон давом этаётган Исроил агрессияси дарҳол тўхтатилишини талаб қилади. Яқин Шарқдаги гулханнинг бурқсиб турган чўғлари ўчирилмоғи лозим. Араб мамлакатларининг миллий бойликларини эксплуатация қилаётган империалист доиралар, шунингдек Исроилнинг империалистик агрессияси қурбони бўлган араб халқларининг ва давлатларининг қийин чиликларидан андишасизларча фойдаланиб қолишга уринниб, ўзларининг гегемончилик мақсадларига эришмоқчи бўлган кимсалар шу гулхан атрофида ўз қўлларини иситиб олишларига йўл қўйиб бўлмайди.

Совет Иттифоқининг Яқин Шарқдаги аҳвол масалаларидаги позицияси равшан ва мустаҳкамдир. Олий даражада яқинда ўтказилган Совет — Америка музокаралари давомида ҳам бу позиция қатъият билан ҳимоя қилинди. Яқин Шарқдаги можаро шу райондаги барча халқлар ва давлатларнинг ,ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан Фаластин халқининг манфаатларини ҳам таъминлайдиган принциплар асосида бартараф этилиши керак. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўртоқ Л. И. Брежневнинг АҚШга қилган визити якунлари тўғрисидаги қарорида ,бундай дейилган: «Совет Иттифоқи ўзининг Тинчлик программасига мувофиқ, Яқин Шарқдаги уруш манбаини агрессияга учраган давлатлар ва халқларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида тугатишга принципиал аҳамият беради. Исроил қўшинларини босиб олинган ҳамма араб ерларидан чиқартириб юбориш — Яқин Шарқ проблемасини одилона ҳал этиш негизидир».

Совет Иттифоқи ўз миллий шонш-шарафини, мустақиллигини ва демократик ғалабаларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган араб халқларига муттасил, ҳар томонлама ёрдам ва мадад бериб келди ва ҳозир ҳам шундай қилмоқда. Исроил агрессорлари билан уларнинг ҳомийлари Яқин Шарқ можаросини одилона ҳал этишга қаратилган куч-ғайратларни барбод этиш йўлидаги уринишлари ўз дўстлари ва иттифоқчиларининг мададига таянаётган араб давлатларининг тобора кучлироқ зарбасига дуч келиши билан ҳисоблашишга мажбур бўладилар.

Азиз дўстлар!

Маълумки, сиз билан бизнинг умумий душманларимиз Совет—Ироқ дўстлигига путур етказиш учун, бизнинг самарали ўзаро ҳамкорлигимизга путур етказиш учун жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилмоқдалар. Араб мамлакатлари халқларининг кўпгина ошкора душманлари ва сохта дўстлари араб халқларини яккалаб қўйиш, уларнинг курашга бўлган иродасини бўшаштириш учун энг қабиҳ воситаларни ишга солмоқдалар.

Империалистик ва реакцион пропаганда Совет Иттифоқининг сиёсатига тинимсиз туҳмат ёғдирмоқда.

Бу пропаганда ярим асрдан бери ўзининг шу қилмишини давом эттириб, ҳақиқат қуёшини халқлардан ўз жирканч қўллари билан яшириша беҳуда уринмоқда. Душманлар Совет Иттифоқига, яъни бизнинг халқимиз — ишчилар билан деҳқонларимиз шаънига Яқин Шарқда «пиҳхона ва ғаразли мақсадлар»ни кўзламоқда деган бўлмағур гапларни айтмоқдалар. Бундан ҳам бемаъни ва қабиҳ уйдирмани тўқиб чиқариш қийин. Шундай бўлса ҳам сўзда ўзларини арабларнинг «дўстлари» қилиб кўрсатиб, амалда эса араб халқларининг душманлари билан бирлашиб кетаётган кимсалар бу уйдирмани империалистлар билан бирга зўр бериб тарқатмоқдалар. Ўз овозини империалистик пропаганда жарчилари овозига қўшишни лозим кўраётган айрим кишилар баъзи араб мамлакатларининг матбуотида кўринниб қолаётганлиги ҳам кишини ғазаблантиради. Ана шундай бўхтон ва туҳматларни тарқатувчиларнинг ҳаммасига биз кескин зарба бериб келдик ва зарба бераверамиз. Бундай қилиш империализмга қарши барча чин курашчиларнинг бурчидир.

Совет коммунистлари дўст араб халқининг ҳозирги замон цивилизацияси барча неъматларидан фойдаланадиган бўлишини, ўзининг барча миллий ресурсларига тўла ҳуқуқли хўжайин бўлиб қолишини истайдилар. Биз қардош миллатлар бўлган араблар, курдлар ва бошқа майда миллатлардан таркиб топган Ироқ халқи янги жамиятмиллий ва социал озодлик жамияти биносини муваффақиятли равишда барпо этишини истаймиз. Азиз дўстлар, биз Ироқнинг демократик кучлари, унинг прогрессив миллий партиялари — Араб социалистик Уйғониш партияси, Курдистон Демократик партияси, Ироқ Коммунистик партияси ўз сафларини ягона монолит фронтда жипслаштиришларини тилаймиз. Шундагина империализм ва гумашталарининг, Ироқ халқи бирлигига путур етказиш, унинг порлоқ келажак йўлини бекитиб қўйиш мақсадида бўлган ҳамма кимсаларнинг Ироққа қарши кирдикорлари беҳуда бўлиб чиқади.

Азиз дўстлар! Гапимнинг охирида Совет Иттифоқи ленинча, синфий, социалистик ташқи сиёсатни изчиллик билан ўтказиб, Исроил агрессиясига қарши, миллий мустақиллик ва социал тараққиёт учун, империализм ва реакция кирдикорларини даф этишда ҳаракат бирлиги учун олиб борилаётган адолатли курашида ҳамиша Ироқ республикасига ва бошқа араб давлатларига мададкор бўлиб қолади, деб сизларни ишонтиришга ижозат бергайсиз.

Доно халқнинг «Халқлар дўстлиги — халқлар бойлиги» деган гапи бор. Бас, шундай экан, ҳаммамизнинг бойлигимиз бўлган совет ва ироқ халқларининг дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкамлай берайлик!

Илтифотингиз учун ташаккур.

ДИРЕКТОРНИНГ ДАЪВАТИ

Бу ерлар қип-қизил чўл эди. Чўл бўлганда ҳам ҳақиқий, бепоён саҳроси эдилар. Бунинг устига тупроқ бетини бир қарич шўр босиб ётарди. Ҳаммаёқ оппоқ тузлар билан қоплангандек... Чигит униб чиқиб, қўшқулоқ бўлар-бўлмас уни шўр туз «хиппа бўғиб» оларди. Шу билан вассалом. Бир гектар ердаги 100 минг туп ғўзадан 30-40 минг тупи омон қоларди. Ҳосил ҳам шунга яраша бўларди.

Совхозга янги директор келди-ю, ерлар ҳам янгилана бошлади. У экин майдонлари структурасини ўрганиб чиқар экан, ишни дастлаввал алмашлаб экишни дадиллик билан жорий этишдан бошлади. Чунки у сурункасига бир неча йил 1-«Боёвут» совхозида бош агроном бўлиб ишлаган. Мирзачўлнинг эски зонасида, бу, ҳазилакам ҳосил эмас. Айниқса Исроил Умаров бошқарувчилик қилаётган бўлимда беда серҳосил бўлиб ўсяпти. Шу бўлимнинг Турша Каримов бошлиқ бригадаси 150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 170 центнердан ҳосил олишга сўз берган. Учинчи ўрим тугалланган куни ҳисобкитоб қилинганида гектар бошига 120 центнердан ҳосил кўтарилганлиги маълум бўлди. Ҳосили йиғиштириб олинган беда-поялар дарҳол ўғитланиб, суғорилди. Натижада беда яна барқ уриб ўсаётир.

— Одамларимиз жуда сергайрат, — дейди совхоз директори Зайдулла Сатторов. — Пахтакорларимиз 6000 гектар ердаги ғўзани тўртинчи комплекс парвариш қилишга киришган бўлсалар, чорвадорларимиз беданинг учинчи ўримини ҳадемай тугаллайдилар. 423 гектар ердаги маккажўхори эса ҳадемай ўримга келади. Бизда ҳамма иш бир-бирига боғлиқ ҳолда олиб борилади. Ютуқларимизнинг боиси ҳам ана шунда.

Бу гапларга бирор нарсани қўшимча қилиб гапиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Негаки, қуйидаги жонли рақамлар совхоз директорининг гапи нақадар тўғри эканлигини очиқ-ойдин исботлаб турибди. Мана ўша сермазмун рақамлар: Сирдарё области бўйича ҳар бош сигирга ўрта ҳисобда 6-8 тонна сенаж бостирилаётган бўлса, «Социализм» совхозида ҳар бош сигир учун 10 тоннадан сенаж тайёрланмоқда. Беданя қамида 5 марта ўриб олиш, бу йил нақ йиллик озуқа жамгариш ва шу йўл билан давлатга чорва маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўкис бажариш учун кураш ҳар қачонгидан ҳам кенг авж олган. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжалик меҳнат аҳлининг сўзи билан иши бир эканлигидан далолат бериб турибди.

С. ҚОДИРОВ,
Т. УНАБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Халқаро ҲАЁТ

ДЎСТЛИК ҚУДРАТИ

Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг органи «Нян зан» газетаси ВДР партия-ҳукумат делегациясининг яқинда Совет Иттифоқига қилган расмий дўстона визити натижаларини «Вьетнам—Совет дўстлигининг порлоқ тантанаси» деб таърифлайди. Дарҳақиқат, бу визит ва Москвада Совет Иттифоқи ҳамда Вьетнам раҳбарлари олиб борган музокараларнинг якунлари жуда катта аҳамиятга эгадир. Буларнинг аҳамияти, аввало, шундан иборатки, КПСС билан Вьетнам Меҳнаткашлар партияси ўртасидаги, ҳар иккала мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик, ҳамкорлиқ муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида катта қадам қўйилди. Социалистик ҳамдўстлик давлатлари, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучлар ана шу музокаралар қатнашчиларининг социалистик мамлакатлар ўртасидаги жипслик ва ҳамкорликни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш, социалистик система билан миллий озодлик ҳаракати кучлари ўртасидаги иттифоқни мустаҳкамлаш, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосида коммунистик ҳаракатни янада жипслаштириш зарур эканлиги тўғрисида яқдиллик билан изҳор қилган фикрлари Совет—Вьетнам музокараларининг энг муҳим натижаларидан бири, деб таъкидламоқдалар.

Совет—Вьетнам дўстлиги алоқаларининг мустаҳкамлиги, Совет Иттифоқининг ва барча қардош социалистик мамлакатларнинг Вьетнамга бераётган интернационал ёрдами Вьетнамнинг урушда тарихий ғалаба қозонишини таъминлаган асосий омилларнинг биридир. Шарқи-Жанубий Осиёда уруш ўчоғини тугатиш учун кураш КПСС XXIV съезди қабул қилган Тинчлик программасининг асосий моддаларидан бири бўлди. Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ле Зуан Ленинградда сўзлаган нутқида уқтириб ўтганидек, Вьетнамнинг барча ғалабалари «совет халқининг ёрдами ва мадади билан чамбарчас боғлангандир» КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев 10 июлда Кремлда сўзлаган нутқида бундай деган эди: «Уруш кунларида Совет—Вьетнам дўстлигининг таъсирчанлиги ва кучи яқол исботланди. Эндиликда, тинчлик кунларида биз вьетнамлик ўртоқларимиз билан бирга халқларимизнинг қардошлигини янада кўпроқ мустаҳкамлашга қаттиқ белбоғлаганмиз».

Бу аҳд-паймон конкрет ишларда ўз ифодасини топмоқда. Совет Иттифоқи социалистик интернационализм принципларига амал қилиб, урушнинг оғир жароҳатларини мумкин қадар тезроқ даволаш учун ВДРга ёрдам беришга интилиб, жумладан, ВДРда Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган халқ хўжалиги иншоотларини тиклашга тайёр эканлигини, шунингдек мамлакатни социалистик негизда индустриалштиришни ривожлантириш имкониятини туғдирадиган янги саноат корхоналарини вужудга келтиришда кўмаклашишга тайёр эканлигини билдирди. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати илгари ВДРга берилган ёрдам эвазига ҳеч қандай ҳақ олмасликка қарор қилдилар.

Совет—Вьетнам қўшма баёнотида таъкидлаб ўтилганидек, барча энг муҳим соҳаларда—сиёсий-иқтисодий, идеологик соҳада, шунингдек мудофаа соҳасида Совет — Вьетнам дўстлиги ва ҳамкорлиги яхши самара бериб, тўхтовсиз ривожланиб бормоқда. Бу—умумий буюк революцион бойлигимизни—жаҳон социалистик системасини мустаҳкамлашга муҳим ҳисса қўшади.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

◆ ВАРШАВА. Бу йил Ельче шаҳридаги автомобиль заводида 8 тоннадан 14 тоннагача юк кўтара оладиган автомобиллар ишлаб чиқаришни бир мунча кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Шу заводда француз лицензияси бўйича «Берлие» автобусларини кўп нусхада монтаж қилиш бошланди. Янги олти тонна юк кўтара оладиган «Стар-266» автомобили ҳам завод ишлаб чиқарадиган янгиликдан бири бўлади.

Енгил автомобиллар парки бир мунча кенгаяди. Варшава автомобиль заводи бу йил 72 мингта Польша «Фиат»и ишлаб чиқаради. Заводнинг конвейер линияларидан медицина хизмати ходимлари ва таксистлар учун мўлжалланган универсал «Фиат»лар биринчи марта тушади. Бельско-Бяла шаҳрида кичик литражли «Фиат 126П» енгил автомобилларининг дастлабки тажриба нусхалари завод майдонидан йўлга чиқди. Завод коллективи йил охирига бориб шу машиналарни кўп нусхада ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Бу йил Польшада ишлаб чиқарилган енгил автомобилларнинг ҳаммасини қўшиб ҳисоблаганда биринчи марта юз мингтадан ортади.

◆ БЕЛГРАД. Шипад шаҳрида жойлашган Югославиядаги йирик ёғочларни қайта ишлаш комбинатининг маҳсулоти мамлакатда ва унинг ташқарисида яхши маълум.

Корхонанинг 35 минг кишилик ишчи ва юқори малакали мутахассиси йилига салкам 3 миллион куб метр ёғоч, 90 минг куб метр ёғоч-тахта, 125 минг куб метр паркет ва фанер, 37 минг дона гарнитур ва 1,7 миллион дона мебелнинг айрим предметларини ишлаб чиқаради.

Югославияда Шипад фирмасининг мебель магазини бўлмаган битта ҳам йирик шаҳар йўқ. Комбинат маҳсулоти Чехословакия, Венгрия, Совет Иттифоқи, Польша, ГДР, Италия, ГФР ва бошқа кўплаб мамлакатларга жўнатилмоқда.

(ТАСС).

ЗИДДИЯТЛАР БАРТАРАФ ҚИЛИНМАДИ

Токиода шу ҳафта ичида савдо-сотиқ ва иқтисодий ишлар билан шуғулланувчи Америка—Япония комиссиясининг тўққизинчи сессияси бўлиб ўтди. Бу комиссия қарийб ўн йил муқаддам Америка билан Япония ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатлари ва иқтисодий муносабатларни тартибга солиш мақсадида тузилган эди. Кейинги йилларда бу муносабатлардаги зиддиятлар кескин тус олди. Бу сессияда икки томонлама иқтисодий муносабатларга доир масалаларгина эмас, балки АҚШ ва Япония манфаатларига жиддий зарар етказган халқаро валюта проблемалари, шунингдек нефтни жуда кўп истеъмол қилувчи ҳар икки мамлакатга бевосита алоқадор бўлган энергетика ресурслари проблемалари ҳам муҳокама қилинди. Июль ойининг охирида АҚШ президенти Р. Никсоннинг Япония бош министри К. Танако билан учрашуви мўлжалланганлиги туфайли ҳам бу масаланинг аҳамияти ортди.

Давлат секретари У. Рожерс бошчилигидаги АҚШ делегацияси Япония Америка молларининг ўз мамлакати бозорларида сотилиши шарт-шароитларини анча енгиллаштирсин, Америка товарларини кўпроқ сотиб олсин, деб талаб қилди ва бу билан Япония билан савдо-сотиқдаги жуда катта дефицитни қисқартиришга уринди. Бу дефицит қарийб 4 миллиард доллارга етиб қолди.

«Вашингтон пост» газетасининг Токиодаги мухбири таъкидлаб ўтганидек, бу сессияда Америка делегацияси ўз шерикларининг «жуда қаттиқ зарбаси»га дуч келди. Улар АҚШнинг савдо сиёсатини кескин танқид қилдилар. Вашингтон яқинда Америка қишлоқ хўжалик махсулотларини, хусусан Японияннинг асосий озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлмиш соя дуккакларини Япония бозорларига чиқариб сотишни анча теклаб қўйганлиги японларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Япония товарларини АҚШга импорт қилишни чеклаш тўғрисидаги қарор каби бу чоралар ҳам Токиони қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Бунинг боиси шуки, Япония ташқи савдосининг учдан бир қисмидан кўпроғи Америка бозорлари ҳиссасига тўғри келади.

Эълон қилинган қўшма ахборотдан маълум бўлишича, ана шу масалалардаги зиддиятлар бартараф қилинмади. Мирзокараларни Вашингтонда давом эттириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Сессияда халқаро валюта-молия танглиги масалаларини ва жаҳон энергетика ресурслари проблемаларини муҳокама қилиш вақтида ҳар икки томон ана шу мураккаб проблемаларни ҳал этиш йўлларини биргаликда қидириб топиш ниятида эканлигини билдирди. Қабул қилинган ҳужжатлар бунинг исбот этади. Улар Сибирнинг энергетика ресурсларини ишга солишда совет ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар.

Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларида тинч меҳнат кунлари бошланди. Деҳқонлар далаларга чиқдилар, балиқчилар денгизга йўл олишди. Суратда: балиқ овлаш пайти.

С. Афонин фотоси (ТАСС).

БОЛГАРИЯ—ФРАНЦИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

СОФИЯ, 23 июль. (ТАСС). Франция бош министри П. Месмер Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси С. Тодоровнинг таклифига биноан 20-21 июлда расмий визит билан Болгария Халқ Республикасида бўлди. Унга ташқи ишлар министри М. Жобер ҳамроҳлик қилди.

БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков П. Месмер билан М. Жоберни қабул қилди.

Музокаралар тугаши билан эълон қилинган Болгария — Франция қўшма ахборотида айтилганидек, музокаралар дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди, кўпгина масалалар бўйича ҳар иккала ҳукуматнинг қарашлари бир-бирига жуда яқинлигини бу музокаралар тасдиқлади. Музокаралар вақтида энг муҳим халқаро проблемалар ҳамда икки томонлама муносабатларга доир масалалар қараб чиқилди.

Томонлар Европада кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик қилишда олга қадам қўйилганлигини мамнуният билан қайд этганликлари ахборотда таъкидлаб ўтилади. Қитъада мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига қаратилган ўз интилишларида улар Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгаш дастлабки босқичининг натижаларини табрикладилар ҳамда бу кенгашнинг муваффақиятли ишлашига актив равишда кўмаклашиш ниятида эканликларини айтдилар.

Томонлар БХР билан Франция ўртасидаги муносабатлар самарали ривожланиб бораётганлигини ва бу муносабатларни янада яхшилаш учун ҳамма шароитлар мавжудлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар.

ПЕКИНЛИК БУЗҒУНЧИЛАР

ХИТОЙ РАҲБАРЛАРИНИНГ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА «ПРАЦЕ» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ПРАГА, 21 июль. (ТАСС). Чехословакия касаба союз ташкилотининг «Праце» газетаси «Пекин — кескинлик юмшатилишига қарши» сарлавҳали редакцион мақолани босиб чиқарди.

Хитой раҳбарларининг ҳозирги сиёсати, дейилади мақолада, кейинги йилларда тактика жиҳатидан анча ўзгарди. Маочиларнинг 60-йилларнинг иккинчи ярмида амалга оширилган экстремист, авантюристик йўлининг салбий оқибатларини тугатиш йўлидаги интилиш бунга тақозо этди. Бу йўлнинг «ялпи уруш»га, «кескинликка қарши кескин курашга», «жаҳон қишлоғининг жаҳон шаҳрига қарши» курашига қаратилган концепцияси машъум маданий революция вақтида эълон қилинган эди. Бу концепция Хитойни халқаро майдонда яккалаб қўйди. Хитой раҳбарларининг алоҳида йўл деб аталмиш ана шу йўлининг барбод бўлганлигини ҳозирги кунда халқлар ўртасидаги муносабатларда совуқ уруш, зўравонлик ва адоватни ҳимоя қилиш ғоялари мазкур бўлмай қолганлиги намойиш қилди.

Хитой Компартиясининг 1969 йил апрель ойида бўлиб ўтган IX съездидан кейин моачиларнинг сиёсатида айрим бурилишлар содир бўлди. Бу ҳол ички кураш ғоят кескин тус олган бир шароитда Хитой раҳбарлигида бир қанча тангликни вужудга келтирди. 1971 йил куз фаслида Линь Бяо группасининг ағдариб ташланганлиги бу тангликларнинг энг юқори нуқтаси бўлди.

Аммо тактика ва методларнинг ўзгариши Пекиннинг асосий стратегик йўлини қайтадан кўриб чиқишдан асло далолат бермас эди. Хитой пропагандаси эълон қилган янги тинчлик стратегияси деб аталган стратегия кескинликни юмшатиш йўлидаги ҳар бир ғоя ва ҳар бир қадамга душманликдан бошқа бир нарса эмас эди.

Кўп фактлар, хусусан кейинги вақтлардаги фактлар Пекин ўзининг амалий ҳаракатларида илгаригидек қозирда ҳам, аввало, халқаро кескинликни авж олдиришга, жаҳоннинг турли районларида ихтилолларни мақсадида низолар туғдиришга умид боғлаётганлигини яққол исбот этади. Пекин «ўта қудратли икки давлатга қарши кураш» ниқоби остида Европада ва бутун дунёда тинчлик йўлидаги жараёнга тўсқинлик қилишга уринмоқда.

Хитой раҳбарлари, дейилади яна мақолада, Германия Федератив Республикаси билан СССР ўртасида, Германия Федератив Республикаси билан Польша ўртасида тузилган шартномаларга ва Ғарбий Берлин хусусидаги битимга нисбатан салбий йўл тутди. Улар Европадаги мавжуд давлат чегараларини ревизия қилишни талаб этадилар.

Пекин ана шу йўлига мувофиқ совуқ урушнинг ашаддий тарафдорлари бўлган империалистик доиралар билан тобора маҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг биринчи босқичига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш муносабати билан Пекиннинг ана шу йўли жуда яққол намоён бўлди.

Пекин кенгашнинг чақирилишини маъқулламаганлигини изҳор қилиш билангина чекланиб қолмади. У сиёсий ва пропаганда кампаниясини ҳам кенг авж олдирди. Пекин бу кампанияда Европа ҳамжиҳатлиги планини совет хавфи бор, деган уйдирмалар билан беобрў қилмоқчи бўлади.

Бундай ҳаракатлардан кузатилган мақсад равшан. Бу мақсад халқларни «совуқ уруш» вазиятига қайтаришдан, НАТО мамлакатлари билан Варшава Шартномаси давлатлари ўртасида яна кураш ҳолатини вужудга келтиришдан иборат. Шу сабабли Пекин Ғарбий Европа давлатларининг социалистик ҳамдўстликка қарши «жипслашувини қўллаб-қувватлайди.

Газета яна қуйидагиларни таъкидлайди: Хитой полигонида атом бомбасининг портлатилганлиги Пекиннинг Хитой раҳбарлари жаҳонда кескинлик сақлаб қолинган тақдирдагина ўзларининг гегемонлик мақсадларига эришишлари мумкин эканлиги тўғрисидаги қарашлари ва эътиқодини яққол ифодалаб берди. Шунинг учун ҳам Пекин раҳбарлари барча реакцион кучлар билан бирлашмоқдалар, шунинг учун ҳам улар ҳамжиҳатлик ва тинчликка интилаётган бутун социалистик ҳамдўстликка, барча тараққийпарвар кучларга қарши кураш фронтини очмоқдалар.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

«Баъзи бекатларда пассажирлар учун қулайликлар яратилмаган. Масалан, скамейкалар йўқ, ёғинсочиндан сақланадиган махсус жой ажратилмагани учун қариялар, болаликлар қийналишяпти...». Редакция У. Дўсметовдан шу мазмунда хат олиб, уни текшириш ҳамда чора кўриш учун Ленин район ижроия комитетига юборган эди.

Текширишда ҳақиқатан ҳам пойтахтнинг бу районида шундай камчиликлар мавжуд эканлиги аниқланди. Червяков кўчасидаги «Аэроклуб» ва «Руҳий касалликлар шифохонаси» бекатларида хатда кўрсатилган камчиликларга хотима берила бошланди. Июль ойининг охирига қадар бошқа бекатларда ҳам пассажирларга қулайлик яратиш ишлари асосан тугалланади.

Колхоз маблағ ажратди

Газетхон Я. Хўжамов ота-оналар номидан редакцияга йўллаган хатида «Коммунизм» колхозининг «Мангитобод» участкасидаги мактаб биноси авария ҳолатида эканлигини маълум қилган эди.

Текширишда хатда кўрсатилган фактлар асосан тасдиқланган. Колхоз правленнеси мактаб биносини ремонти учун ўз маблағидан 1887 сўм ажратган ва ремонт ишлари бошлаб юборилган.

Ўргут район ижроия комитети редакцияга юқоридаги мазмунда жавоб хати йўллаган.

МУНОСИБ ЖАЗО

Текшириш учун юборилган хатга Ондарё район партия комитетидан жавоб олинди. Район киноалаштириш ва киноустановкалар дирекциясининг директори коммунист Парда Содиқовнинг қўполлиги, ходимларни қонунга хилоф равишда ишдан бўшатаётганлиги ҳақидаги фактлар асосан тўғри бўлиб чиқан. Текшириш якуни район партия комитети бюросида муҳокама этилгач, П. Содиқовга шахсий учёт карточкасига ёзиш шарти билан выговор эълон қилинган.

Ўлкамиз ноз-неъматлари

«МЎЯН» БОҒЛАРИДА

РЕПОРТАЖ

Фарғонада ўриклар ғарқ пишди. Машҳур Маргилон луччаги ҳам тиниқ тортиб, ялтираб қопти. Бугун-эрта дастурхонга файз киритади. Полизларда ковун ҳиди анқийди.

Куни кеча «Мўян» богдорчилик совхозида бўлганимизда, худди ана шу манзаралар бир-бир кўз ўнгимиздан ўтди. Хўжалик мева ва узум етиштиришда йил сайин катта ютуқларга эришяпти. Аммо, бу йилги режалар, ҳар қачонгидан ҳам салмоқли.

Совхоз боғларини айланиб юриб, Байдулла Абдуллаев бошлиқ 2-«Янгиер» бўлимига келганимизда бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Ёш-яланглар олтиндек товланиб турган гилосларни теряпти. Шаҳардан келган ёрдамчилар эса олча териш билан банд. Гилос тўла яшиклар прицепга юкланиб пунктга пешма-пеш жўнатиляпти. Байдулла ака хурсанд. У ён дафтарини варақлаб дейди:

— Бу йил гилос тоза бўлиб берди-да. Сирасини айтсам, гилос топшириш бўйича иккинчи планни ҳам бажардик. 20 гектар гилосзордан 120 тонна ўрнига 200 тоннага етказиб мева топширдик. Энди шафтоли билан узум ва олмага навбат...

У мамнун жилмайиб, қўлнинг нариги томонидан бошланиб, чети узоқ-узоқларга бориб тақалувчи узумзорларга нигоҳ ташлайди. Совхоз оқсоқолларининг ҳикоя қилишларича, Байдулла Абдуллаев хўжаликнинг оғирини кифтида даст кўтариб келаётганлардан бири. 1947 йили янгитлик чоғида «Янгиер» аталмиш мазкур бўлимда иш бошлаганида бу ер қип-қизил дашт эди, холос.

— Эсимда, — дейди у кулиб, — офтоб тиғидан жон сақлашга соя топилмагач, иккита кетмонни ёнма-ён қўйиб, уларнинг дастасига қийнчани боғлардим-да, соясида нафасни ростлардим... Мана, ўша тақир жойларда 200 гектардан эшёд серҳосил боғлар гуркираб ётибди. 112 гектар янги барпо қилинган боғларни айтмайсизми?

Бўлим бошлиғи бизни узумзорга, кейин шафтолизорга бошлади. Ана ҳосилу мана ҳосил! Бу йил мева йили бўлганга ўхшайди. «520 тонна ўрнига 600 тонна узум, 200 тонна ўрнига 300 тонна шафтоли берамиз, — дейди бўлим бошлиғи, — ҳозирданоқ иккинчи планни белгилаб олганмиз!»

Ўрикзорларда меҳнат суроғи авжида. 400 гектар майдондан иборат поёсиз ўрикзорларда мева бирданига етилиб берди. Уни тез териб олиш, консерва заводларига, савдо тармоқларига, мамлакатнинг йирик саноат районларига эзғлик билан етказиб бериш керак. Қизғин кунлар бошланганч. Ўрик плантацияларида ишлаш учун студентлар, ишчи ва хизматчилар соҳибкорлар ҳузурига ёрдамга ошиқишди. Кунига 70-80 тонна атрофида ўрик терилган кунлар ҳам бўлди. Мевалар Тошкент, Фарғона шаҳарлари механткашларига, Болтиқ бўйи, Новороссийск, Москва, Томск, Жанубий Сахалин каби саноат районларига жўнатилмоқда. Ўрик териш, саралаш ва жўнатишда М. Давлатов бошлиқ бўлим меҳнат аҳли айниқса жонбозлик қиляпти.

Совхоз директори — тажрибали мутахассис Хатам Ўктамов хўжаликнинг хилма-хил плантацияларини ҳар куни бир кезиб чиқадиган жонкуярлардан. Директор кенг кўламдаги мева териш ва топшириш ишлари суръатидан мамнун. У бармоқларини бир-бир букиб дейди:

— Хўш, ўрикни олайлик. Ўтган йили 751 тонна топширган эдик. Бу йил 1050 тонна берамиз. Лекин, ҳавойи рақам эмас, ҳисоб-китобимиз аниқ. Узумга келсак, 1260 тонна узум топширишни мўлжалладик. Лекин барака топкур соҳибкорларимиз қаттиқ меҳнат қилишди. Мажбурият — бир ярим минг тонна! Нокзорларимизни кўргандирсиз? Шохлари эгилиб ётибди. 230 ўрнига 300 тонна эртанги-кечки нок топшириш ниятимиз бор. Режаларимиз катта. Бир-икки йил ичида яна юз эллик гектар янги боғ барпо қиламиз. Мақсадимиз эл дастурхонини безаб, тўкин-сочин қилиш.

Ҳа, Қувасойдаги «Мўян» совхози коллективи дастурхонимизни безаш учун ҳормай-толмай меҳнат қиляпти. Улар халқимиз дастурхонига 4200 тонна хилма-хил мева етказиб бериш иштиёқи билан нафас олишяпти.

О. ҲАКИМОВ.

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Бўстонлиқ райони пойтахт областининг баҳаво, кўркам манзарали жойларидан ҳисобланади. Ёз ойлари Хумсон қишлоғи дам олувчилар билан гавжум бўлади. Шўҳ оқар Угам тоғ дарёси соҳиллари эса бу ерга ташриф буюрувчиларнинг севимли масканн дейиш мумкин. Суратда: Угам дарёсининг кўринниши.

И. Портнов фотоси.

ҚИЗҒИН ПАЛЛА

Республикамизнинг асаларичилик хўжаликларида долзарб палла бошланди. Ҳамма ерда асал тўплаш қизитиб юборилди. Бу йил 22 тоннадан эшёд асал топшириш мажбуриятини олган «Бўстонлиқ» совхозининг асаларичилари ҳам енг шимариб ишга киришдилар. Тошкент областининг Бўстонлиқ районига қарашли бу хўжаликда 1500 дан эшёд асаларинн бор. Ҳозирги кунда асаларилар Угам, Чимён, Бурчмулла тоғлари ён-бағирларида, хушбўй гулзорларда боқилаётир.

— Дастлабки уялардан олинган қимматбаҳо маҳсулот, — дейди совхоз зоотехниги Самад Комилов, — бу йил асал мўл бўлишидан дарак бермоқда. Дастлабки маҳсулот давлат тайёрлов пунктларига жўнатилмоқда. Хўжалик асаларичилари медицина муассасалари ва шифохоналар учун асаларн мумн, сути ва бошқа шифобахш маҳсулотлар тўплашни ҳам бошлаб юбордилар.

Н. МАНСУРОВ.

Мўйқўлчилик...

А. Аулов фотоэтюди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ МИНИСТРЛИГИ ДИҚҚАТИГА

ОҚҚУМ МУАММОСИ

- ҚИЗИЛҚУМНИНГ ЯНА БИР ХАЗИНАСИ.
- ОЙНА САНОАТИ УЧУН БИТМАС-ТУГАНМАС ХОМ АШЕ.
- ЗАР ҚАДРИГА ЕТМАЁТГАН «ЗАРГАР»ЛАР.
- НАФИС ЎЗБЕК ХРУСТАЛЛАРИ.

Контораларимиз яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Республикамиздан топилган ер ости хазиналари қаторига яна бир бебаҳо хазина қўшилди. Кулоллар, чинисозлар, ойнасозларнинг асрий орзулари ушалди. Қизилқум бағридан оққумнинг катта запаслари топилди.

Оққумлар асосан, кремний оксиди — кварц минералидан ташкил топган. Унинг саноат аҳамиятига эга бўлган юқори навлари таркибида кремнезем миқдори 99,5 — 99,9 процентга етади. Лекин бундай кварц қумлари табиатда жуда кам учрайди. Кварц қумлари таркибида бундан ташқари алюминий, кальций, магний, натрий ва калий оксидлари ҳам учрайди. Тиниқ ва рангсиз ойна ишлаб чиқаришда қум таркибида учрайдиган темир, хром, титан оксидлари ва органик моддалар ҳалал етказади. Шунинг учун ҳам қум таркибидаги бу зарарли моддаларни йўқотиш лозим. Шу мақсадда уларни элаб, ювиб, магнит ёрдамида темир заррачаларини тортиб олиб, флотация ва гравитациядан ўтказилади. Кварц қумларининг химиявий таркиби ойнанинг рангли ва рангсизлигига қараб аниқланади.

СССРда Люберецк, Новосёлковек, Часов-Яр, Попасняжск, Латинск, Ташлин ва Ноболчинк қум карьерлари машҳурдир. Ўзбекистонда ҳам кейинги йиллар давомида машинасозлик, керамика ва ойна саноатлари тез суръатлар билан тараққий этмоқда. Бу саноатларнинг кварцли оққумларга бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Республикамиз илмий-тадқиқот институтлари ва Геология министрлигининг тиниб-тинчимас геологлари Ўзбекистон бағрида қидирув ишлари олиб бориб, 150 га яқин оққум конларини ва уларнинг катта запасларини аниқладилар. Булардан 18 таси ҳар томонлама ўрганилди. Ачинарлиси шуки, ҳозирги кунда Ўзбекистонда фақат битта — Тошкент яқинидаги Майск оққум конигина ишлаб турибди. У Чирчиқ ойна заводини хом ашё билан таъминламоқда.

Ўзбекистон оғир саноатида чўян ва пўлат қуйиш, шиша идишлар ишлаб чиқариш ва нафис керамика буюмлари яратиш учун зарур бўлган қумлар Тошкентдан 70-80 километр узоқда жойлашган Қозоғистондаги Жилга карьеридан ташиб келтирилмоқда. Жилга қумларининг сифати Ўзбекистон территорияларидан топилган қумларга нисбатан анча паст ҳисобланса-да, саноат корхоналаримиз уни негадир узоқдан ташиб келтиришаётир. Бу билан кўплаб ортиқча харажатларга йўл қўйилмоқда. Республикамиз пўлат қуйиш саноати кварцли оққумларни Челябинск областидан, абразив саноати эса Ульяновск областидан ташиб келтирмоқда. Ана шу ортиқча сарф-харажатларга ва оворагарчиликларга чек қўйиш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикамиз территориясидан юқори сифатли оққумлар конини излаб топиш, уларни муфассал ўрганиш, шу асосда карьерлар очиш вазифасини геологлар олдига қўйди.

Ўзбекистон бўйлаб оққум қидириш ишлари жуда қизитиб юборилди. Қувончли натижалар қўлга киритилди. Озодбошда, Шўрсувда, Чўпон-отада, Карманада геологик қидирув ишлари давом эттирилди. Карманада саноат аҳамиятига эга бўлган ажойиб сифатли кварц-дала шпатидан иборат оққум кони топилди.

1960 йилга келиб Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими И. В. Рубанов Марказий Қизилқумда Қулантай оққум нонини топди. Бу — Марказий Қизилқумда кенг кўламда геологик-қидирув ишларини янада қизитиб юборишга туртки бўлди. Натижада марказий Қизилқумда Оқмурт, Жерой, Азнок, Бешбулоқ, Айдарлик, Томди ва бошқа ерларда ўндан эшёд сифатли оққум конлари аниқланди ва разведка қилиниб запаслари белгиланди. 1968 йили энг катта Жерой оққум кони қар тарафлама ўрганилди, лабораторияларда синаб кўрилди. Б. В. Матласевич, Л. Н. Полудённая, Р. Н. Краскова томонидан Ўзбекистонда кенг тарқалган оққум конларининг жойлашув карталари тузилди. М. Каримов бошлиқ тадқиқотчилар группаси конларни геологик ва иқтисодий жиҳатдан текшириб, маълумотларни йиғишди ва уларни ҳисоб-китоб қилиб чиқишди.

1970 йилда Ўзбекистоннинг олий сифатли кварц қумларга бўлган йиллик талаби 200—220 минг тоннага етди. Шундан 100—120 минг тоннаси Қурилиш материаллари саноати министрлиги учун, 100 минг тоннаси машинасозлик корхоналарида («Чирчиқсельмаш», «Ўзбекхиммаш», Тошкент экскаватор заводи ва бошқалар) пўлат қуйишда ишлатиш учун ажратилди. Бу талаб кейинги йиллар давомида янада ошди. Агар республикамизда топилган конлар ишга солинадиган бўлса, у республика эҳтиёжини қондирибгина қолмай, Урта Осиёнинг бошқа республикаларига, Сибирь ва Узоқ Шарққа, ҳатто чет мамлакатларга ҳам кўплаб оққум жўнатиш имконини беради.

Биз қуйида фикрларимиз далили сифатида республикамизнинг мавжуд 150 оққум конидан фақат иккитаси тўғрисида қисқача маълумот берамиз.

Кармана оққум конида сув қатламлари учрамайди. Кармана оққумлари табиий ҳолатда эзтиборга кам сазовор бўлсада, у флотация ва магнит сепарацияси ёрдамида сараланса СССРда энг кам учрайдиган ва халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ишлатиш мумкин бўлган кварцли қум ва ноёб дала шпатига бой концентрат олинади. Дала шпати концентрати эса, қимматбаҳо хом ашё сифатида саноатда кенг қўлланилади. Олинган биринчи ва иккинчи навли концентратдан электротехника чинниси ишлаб чиқариш ва керамика, абразив саноатларида кенг фойдаланиш мумкин. Кварцли оққум эса ойна ва чўян қуйиш саноатида қўл келади. Кармана кони запаслари 4 миллион тоннадан ошади. Афсуски шундай ажойиб, кам учрайдиган оққум ва дала шпати кони хануз ўз қадр-қимматини топгани йўқ. Тегишли саноат корхоналари ундан фойдаланишни йўлга қўймаётир. Қанда Навоий қурилиш трестлари карьер очиб, ўзбошимчалик билан қум казиб олмоқда, бетон қоришмаси тайёрлашда фойдаланмоқда. Зар қадрига етмаётган заргарлардек йўл тутаётган Тошкент, Самарқанд чинни заводлари худди шундай дала шпатини катта маблағ сарфлаб узоқ районлардан ташиб келтирмоқдалар. Олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ дегандай, Кармана оққум запаслари қаровсиз ётибди.

Жерой оққум конидаги оққумлар сифат жиҳатидан СССРдаги етакчи ўринларни эгаллайди. Текширишлар шуни кўрсатадики, бундай оққумлар оддий элакларда эланса ҳам уларнинг техник сифати янада ошар экан. Ундан чўян ва пўлат қуйишда қолип қумлари сифатида кенг фойдаланса бўлади. Эланган қум юқори сифатли ойна тайёрлашда, нафис керамика ва юқори вольтга чидамли чинни изоляторлар ясашда қўл келади. Кон запаслари 14 миллион тоннадан ошиқ. Уни очиқ карьер усули билан ҳам қазиб чиқарса бўлади. Кон Мурунтов темир йўли станциясига яқин жойлашган. Агар карьердан йилига 200 минг тонна оққум қазиб чиқарилса уни очишга сарфланадиган давлат сармояси 7—3 йил давомидаёқ бемалол қопланади.

Ўзбекистон оққумлари юқори сифатли бўлгани учун уларни тезда ўзлаштириб, халқ хўжалигида фойдаланишни ҳаёт тақозо этмоқда. Шу қумлар базасида Томди, Навоий, Тошкент ва Фарғонада ойна ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриш мақсадга мувофиқдир. Марказий Қизилқум оққумларидан нафис хрусталлар олинадиган кунлар узоқ эмас. Фақат, тегишли министрликлар, ташкилотлар бу қимматли хазинанинг қадрига етиб, иш тутишлари лозим.

С. ҒАФУРЖОНОВ,

Ўзбекистон ССР Геология министрлиги қарашли «Ташкентгеология» трестининг «Ҳимгеолнеруд» экспедицияси бошлиғи.

М. ЗОКИРОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ҳ. М. Абдуллаев номидаги геология ва геофизика институтининг катта илмий ходими, геология ва минералогия фанлари доктори.

БУЮК ҚОМУСЧИ ЮБИЛЕЙИГА

Беруний туғилган куннинг 1000 йиллигига бағишланган кўчма виставка намойиш қилиб кўрсатиш учун Хивадан Хоразм областининг районларига жўнатилди. Тарих-архитектура музейи — Ичанқалъа ёдгорлиги улуғ қомусчининг кўп қиррали фаолияти тўғрисида, жумладан, Шарқдаги энг йирик Хоразм фан марказига раҳбарлиги ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар ва материалларнинг фото нусхаларидан иборат ўнта стенд тайёрлади.

Виставкада Хоразм олимларининг ютуқлари ҳам акс эттирилган. Виставка Беруний номидаги мактаб, колхоз, кутубхона ҳақида ҳикоя қилади.

Тарихчилар ва лекторлар стендлар олдида ўзбек халқининг шонли фарзанди ҳақида суҳбатлар ўтказадилар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

Биринчи программа. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.50 Совет Тинчлик программаси — амалда. 19.10 — Кино оламида. 20.30 — **Сирли қотиллик** (телеспектаклянинг 2- қисми). 21.45 — Ахборот. 22.00 — Қишлоқ хўжалик билимлари телевизион халқ университети. 22.30 — Ахборот. 22.50 — Концерт. 24.00— «ВАҚТ». **Иккинчи программа.** 10.55 ТОШКЕНТ. 11.00 — «Звездочка». 11.40 — Телевизион кўғирчоқ театри. 12.10 — **Нонни тенг бўламиз** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Жаҳон халқлари ижоди. 19.30 — Иваново коммунистлари. 20.00 — Кинопанорама. 21.00 — Енгил атлетика бўйича халқаро мусобақа. СССР — АҚШ. 23.15 — «Поэзия ҳақида». **Учинчи программа.** 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.10 — Ўтдан эҳтиёт бўлинг. 19.35 — Бадиий ўқиш. 20.25 — **Тарих саҳифаси** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/VII да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/VII да **Табассум ўғрилари.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Гроссмейстер — «ЎЗБЕКИСТОН» (19.00, 21.00), «ЧАЙКА», «СПУТНИК» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (10.00, 11.30, 13.00).

Анжелика ва қироль (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (12.00, 15.00, 18.00, 20.45), «ДРУЖБА» (11.00, 14.00, 16.00, 17.00, 20.00).

Қидирув менга топширилган — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Филлар — менинг дўстларим (2 серия) — НАВОИЙ номли (10.00, 14.00, 17.00, 20.30).

Севги чиройи — «СПУТНИК» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Муваффақият гарови — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда, кундуз ва кечқурун).

Уч юз спартанлик — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Мангу севги (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Қорақум қўйнида — «ДРУЖБА» (19.00, 21.00).

Ромео ва Жульетта — «МОСКВА» (14.30, 17.30, 20.30).

ЕЗГИ БИНОДА

Гроссмейстер — «ФЕСТИВАЛЬ».

Бодом гуллаганда — «ХИВА».

Сибирлик аёл — КИРОВ номли.

Ромео ва Жульетта — «РАКЕТА».

Қорақум қўйнида — ТЕЛЬМАН номли.

ФАРҒОНА АҲОЛИГА МАШИН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЕХНИКУМИ

1973-1974 ўқув йилига қуйидагн мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Технин-механиклар: уй-хўжалик электр аппаратлари, телевизион техника ва радиореле алоқаси, фототехника;

Технин-технологлар: тикувчилик ишлаб чиқариш, бухгалтерия учёти, машиний хизмат кўрсатиш корхоналарини планлаштириш, кийимларни химиявий йўл билан тозалаш ва бўяш.

Кириш имтиҳонлари: 8-синфни битирганлар учун она тили (диктант), математика (оғзаки). 10- синфни битирганлар учун она тили ва адабиёт (ёзма), математика (оғзаки),

Кийимларни химиявий йўл билан тозалашга кируувчилар она тили ва адабиёт (ёзма), химия (оғзаки).

Техникумга кирувчилар ариза билан биргалинда қуйидаги ҳужжатларни кўшиб топширишлари лозим: аттестат ёки 8-синфни битирганлиги ҳақида гувоҳноманинг асл нусхаси ва нотариус тасдиқлаган копияси, медицина справкаси (286-форма), 3 та (3х4 см.) фотосурат; оилавий аҳволи ҳақида справка, облбитдан йўлланма, паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Аризалар сиртқи ва кундузги бўлимга 1 августгача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1 августдан 20 августгача ўтказилади.

Техникум адреси: Фарғона район, Аввал қишлоғи, Фарғона машиний хизмат кўрсатиш техникуми.

АХБОРОТ

САНЪАТ ХАБАРЛАРИ

БОЛГАРИЯЛИКЛАР — МЕҲМОНИМИЗ

Ўзбекистон театр жамияти правленеснинг таклифи билан эҳинда Болгария Халқ Республикаси санъаткорларидан бир группаси республикамизда меҳмон бўлишди. Болгариялик таниқли театршунос, профессор Гоча Гочев, Хасково округининг Димов номидаги драма театри директорининг ўринбосари Жмо Димчев ва бошқа санъаткорлар Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида бўлишиб, бир қанча спектакларни томоша қилдилар.

«СОЛДАТ БЕВАСИ»

Тошкентдаги Максим Горький номли рус драма театри коллективи драматург Н. Аниловнинг «Солдат беваси» асарини саҳналаштирди. Спектаклда Улуғ Ватан уруши даври ўз аксини топган. Асарни режиссёр М. Немировский постановка қилди. Бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти М. Мансуров, республикада хизмат кўрсатган артистлар Т. Авакесянц ва Русиновлар ижро этмоқдалар.

ҲАМКОРЛИК

Ленинободдаги Пушкин номли тожик давлат музикали драма ва комедия театри коллективи Тошкент ва Қашқадарё областлари бўйлаб гастролга чиқди. Улар «Замонали ва Омонали», «Ажаб савдолар», «Қорақалпоқ қизи» асарларини намойиш қилдилар.

Тожик санъаткорларининг сафарига жавобан Муқимий номли ўзбек давлат музикали театри санъаткорлари Тожикистон бўйлаб гастролга бордилар. Улар ҳам СССР халқ артисти, театрнинг бош режиссёри Раззоқ Ҳамроев раҳбарлигида тожикистонлик пахтакорларга бир қанча асарларни кўрсатдилар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

БИР ТЎП ҚИММАТИ

Футбол

Мамлакат футбол чемпионатининг ҳал қилувчи даврасида иккинчи тур учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Мазкур турда қайси коллективларнинг пешқадамлик — чемпионат совриндори бўлиш учун курашаётганлиги, қайси командаларнинг хавфли зонани тарк этиш учун жон қуйдираётганлиги тағин ҳам яққолроқ кўринди.

Бу сафар ҳам пешқадамликни қўлдан бермай келаётган араратчилар ғолибона юришларини давом эттиришди. Улар қўшнилари — тбилисилик динамочиларни қабул қилиб, яна бир бор ғалаба нашидасини сурдилар. Ереванликлар грузин футболчилари дарвозасига жавобсиз уч тўп киритиб, очколарни 24 тага етказиб олишди. Биринчи ўринга кўпдан бери даъвогарлик қилаётган киевлик ва пойтахт динамочилари ҳам майдондан ғолиб чиқишди. Киевликлар ўтган йилги чемпион — «Заря» командаси дарвозасига ягона тўп киритиш билан ўз мавқеларини мустаҳкамлашди. Уларнинг москвалик клубдошлари эса, ғалдаги учрашувни сафарда— Львов шаҳрида ўтказишди. «Карпат» майдонида мехмон бўлган пойтахтликлар йирик ҳисоб — 5:3 билан ғалабага эришдилар. Бугунги кунда ўйинлар жадвалида тўртинчи ўринни эгаллаб турган москвалик армиячилар навбатдаги учрашувни зенитчилар майдонида ўтказиб, 11 метрлик жарима тўпларидан кейин 8:7 ҳисобида ғалаба қилишди.

Мазкур тур учрашувларида ўйинлар жадвалида охирги беш ўринни эгаллаб турган коллективларнинг ҳаммаси мағлубиятга учради. Жумладан, минсклик динамочилар ўз майдонида «Шахтёр» командасидан 8:9 ҳисобида енгилган бўлса, ростовлик армиячилар Москвада дарвозаларидан бирмунча тўп ўтказиб юбориш билан спартакчилар майдонидан мағлуб чиқишди. Тобора юқори ўринларга чиқиш учун ҳаракат қилаётган «Днепр» футболчилари пойтахт торпедочиларини қабул қилиб учрашувда 2:0 ҳисоби қайд қилишга эришди. Хуллас, ғалдаги турда командалар ўрни деярли ўзгармади. Фақат «Спартак» ва «Днепр» коллективлари икки поғонадан юқори кўтарилиб олишди.

«Пахтакор» футболчилари иккинчи даврада дастлабки сафар учрашувини Олмаотада ўтказишди. Қайратчилар билан бўлган бу ўйин кескин ва шиддатли кураш руҳида ўтди. Танаффусгача мезбонларнинг устунлиги сезилиб турди. Ҳисобни очиш ҳам олмаоталикларга насиб қилди. Аммо, пахтакорчилар ҳам бўш келишмади. 60-минутда Абдураимов ҳисобни тенглаштирди. Ҳар икки коллективнинг кейинги ҳаракатларида ҳужумкорлик сезилиб турди. Айниқса, сўнгги минутларда олмаоталикларнинг асабийлашгани кўринди. Улар қўполликларга ҳам йўл қўйишди.

Лекин ўйин тақдири 11 метрлик жарима тўпларини нишонга олиш билан ниҳоясига етди. Мазкур учрашувда бештадан тўп тепиш камлик қилиб қолди. Киритолмай қолгунча тўп тепишга руҳсат берилгандэ, дарвоза қаршисида Варюхин пайдо бўлди. Афсуски, у дарвозабонни лол қолдиролмади. Олмаоталиклар эса олтинчи тўпни аниқ нишонга олиб, ғалаба қилишди.

Хуллас, мухлислар биргина тўп қимматини учрашувнинг охирги минутида кўришди. Қайратчилар 6:5 ҳисобида ютиб, ягона очко олишди.

ТУЗАТИШ

21 июлда эълон қилинган халқ маорифи тўғрисида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг қонун асосларининг 26-моддаси қуйидагича тузатиб ўқилсин:

26- модда. **Ишлаб турган ёшлар учун ўрта умумий таълим мактаблари,**

Халқ хўжалигининг турли соҳаларида ишлаб турган ва ўрта маълумоти бўлмаган ишчилар учун ўрта умумий таълим кечки (сменали) ҳамда сиртқи мактаблар ташкил қилинади.

Корхоналар, муассасалар ва таклидотлар ишлаб турган ёшларни кечки мактабларга жалб этишга ёрдам беришга, ишни ўқиш билан қўшиб олиб бориш учун ҳамда мазкур мактабларнинг нормал фаолияти ва ўқувчиларнинг машғулотлари учун зарур шароитларни яратиб беришга мажбурлар. (ТАСС).

«Союзреактив» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

ТОШКЕНТ КОНТОРАСИ

инвентаризация ўтказилиши муносабати билан

1 СЕНТЯБРДАН 1 ОКТЯБРГАЧА ХИМИЯВИЙ РЕАКТИВЛАР БЕРИЛИШИНИ ТЎХТАТИБ ҚУЯДИ.

Барча истеъмолчилардан инвентаризация бошлангунга қадар буюртирилган реактивларни олишни илтимос қиламиз.

Редактор ўринбосари: Ж. ЖАББОРОВ.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР

Эълонлар—338142. коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

№ 172. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Р. 04275.